

Ш.Комронова қилаётган хатти-ҳаракати қонунга хилоф эканини билгани ҳолда шахсини тасдиқловчи муҳим ҳужжат ҳисобланган паспортининг 32 ҳамда 34-бетларига қалбаки сана ва муҳрлар кўйдириб олиб ими-жимда Ўзбекистонга қайтади. Бироқ Шалола ўйлаганидек бўлмади. У қонун олдида жавоб беришига тўри келди.


3 бет

Умид қурилишда олди ишчи, Рисолат эса ўша қурилишда бўёқчи бўлиб ишлайди. Улар тезда чиқишиб кетишди. Яқиндан танишиб, кунда-кунора гаплашиб турадиган бўлишди. Ёзнинг сўнги кунларида Рисолат жиянларининг ўқишга ҳужжат топширгани, лекин киролмаганини айтиб қолади. Бу гап Умидни жонлантирди. Неча йилдан бери фирибгарлиги иш бериб, неча кишини ишонтиргани яна қўл келди.

10 бет

Ўшқид

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2016-yil 20-oktabr, №42 (1031)

21 октябрь — ўзбек тилига
Давлат мақоми берилган кун

Маънавиятимиз кўзгуси

Алоҳ инсонга ато этган иноятлардан энг мўъжизакори — тил. У миллат маънавиятининг кўзгуси. Тил бор экан — миллат барҳаёт. У ҳар бир миллатимизнинг фахри, гурури. Хусусан, она тилимиз — ўзбек тили бизнинг чексиз фахр-ифтихоримиз. Тил ҳақида донишмандлар ҳам турли хил фикрлар билдирганлар. Айримлари тилни тафаккур қуроли десалар, яна баъзилари уни алоҳа воситаси деганлар. Ҳа, тилсиз фикр ва тушунчани ифода этиб бўлмайди. Тилсиз ҳаётда ривожланиш йўқ. Ҳар қандай иқтисодий, сиёсий, маънавий омилар тил орқали кечадди, муомала воситасида ифодаланади.

Бир сўз билан айтганда, тил халқнинг тарихи, узоқ асрлардан буён босиб ўтган ва ўтаётган карвон йўлидир. Чунки тарихимизнинг, кечмишимизнинг ўзи ҳам тил орқали англашдилади. Тили ривожланмаган элнинг, миллатнинг руҳида тараққиёт бўлмайди, ўзлигини тўла англаёлмайди. Тилсиз Ватан туйғусини, хурлигини ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам сўз мулкининг султони, буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий бир ўринда тил орқали ифода этилувчи сўзни "жавҳари рух" деб атаган. Бу ибора тил тириклик асосидир, деган маънони англатади. Зеро, она тилимиз бор экан, Ватан бор, авлодлардан-авлодларга мерос бўлиб қоладиган тенгсиз бойлик бор.

1989 йил 21 октябрда мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг ташаббуси билан ўзбек тили-

га Давлат тили мақоми берилди ва "Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда мамлакатимизда ўзбек тили давлат тили сифатида амал қилишининг барча ҳуқуқий асослари белгилаб берилган. Қонунда давлат тили билан бирга юртимиздаги барча миллат ва элатларнинг тилларини ривожлантириш, давлат йўли билан химоя қилиш, тили, дини ва миллатидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ўз она тилида таълим, ахборот, керакли маълумот олиш ҳуқуқларини кафолатлаш масалалари аниқ белгилаб қўйилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида ўзбек тили давлат тили мақомига эга эканлиги мустахкамлаб қўйилган.

[Давоми 4-бетда]

Ардоғимиздасан, онажон тилим!

Ёшлар ижод саройида "Камолот"да меҳмонда" лойиҳаси доирасида "Ардоқдасан, эъзоддасан, онажон тилим!" мавзусида онлайн мулоқот ўтказилди.


Мулоқотда сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги аҳамиятини кучайтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлашди.

Мазкур онлайн мулоқотдан мақсад ёшларда ўзбек тилига нисбатан ҳурмат-эҳтиром туйғусини кучайтириш, уларга тилимизнинг янада бойиши ва такомиллашувига ҳисса қўшиш конституциявий ва фуқаролик бурчимиз эканини яна бир бор эслатишдан иборатдир.

Тадбирда 1995 йил 21 декабрдаги янги таҳрирда "Давлат тили ҳақида"ги Қонунни қабул қилиш жараёнлари, тилимизнинг тараққиёт босқичлари, уни янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Онлайн мулоқотда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан интернет орқали келган 450 дан ортиқ саволга жавоб берилди.

ЎЗА



Муносабат

Ҳуқуқий ҳимоя кафолати

Мамлакатнинг равнақи, иқтисодий ўсишини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, бандлик масаласини ҳал этиш, энг асосийси, аҳолининг турмуш даражасини оширишда тadbirkor ҳамда ишбилармонларнинг ўрни нақадар бекиёс эканлигини бутун Ўзбекистон Республикасининг қанчалар салоҳиятга эришганида ҳам кўриб турибмиз. Шу боис мазкур соҳани жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмақда.

Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни ривожлантириш, молиявий қўллаб-қувватлаш борасида яратилаётган имконият ва имтиёзлар ҳамда хизматлардан самарали фойдаланаётган тadbirkorларимиз эришаётган ютуқлар эса мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини намоян этишда асосий омили бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти аҳолининг турмуш даражасини кўтарishi, иқтисодий соҳада муваффақиятларга эришиш учун

кичик ва ўрта бизнесни, хусусан, тadbirkorликни ривожлантириш муҳим ўрин тутшини такрор-такрор таъкидлаб, "хусусий мулкнинг таркиб топиши ва бозор муносабатларига ўтишгина бугунги кунда инсоннинг ижодий ва меҳнат имкониятларини кенг очиб, боқимандачиликни енгишга қодир", деб айтган гаплари бугунги кунда ўз исботини тўлиқ топмоқда.

[Давоми 5-бетда]

Тадбир

Халқаро конференция олдидан брифинг ўтказилди

Жорий йилнинг 20-21 октябр кунлари Тошкент шаҳрида "Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини янада кучайтириш бўйича ҳимоя қилинишини таъминлашнинг миллий тизими: мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Анжуман Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Адлия вазирликлари, Бош прокуратура томонидан бир қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда.

Пойтахтимизда мазкур конференцияга бағишлаб ўтказилган брифингда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) У.Мухаммадиев оммавий ахборот воситалари ходимларини халқаро конференциянинг мақсади, вазифалари ва

дастури билан таништирди. Халқаро анжумандан асосий мақсад мамлакатимизда мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолияти самарадорлигини ошириш, ҳуқуқий мақомини янада мустахкамлаш борасидаги ишлар тўғрисида дунё жамоатчилигининг хабардорлигини ошириш, мазкур йўналишдаги ишларни мухоама этишдан иборатдир.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялашнинг мустахкам ҳуқуқий асослари яратилди. Мамлакатимиз Конституцияси, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига доир 16 кодекс қабул қилинди. Инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчилик базаси яра-

тилди. Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан ортиқ халқаро ҳужжатларни ратификация қилган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев 2016 йил 5 октябрда имзолаган "Тadbirkorлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тadbirkor тўғрисида"ги Фармонда Олий Мажлис ҳузуринда Тadbirkorлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича институт ташкил этишнинг тавсия этилиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш борасидаги ишларни янада кенгайтиришга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Бехзод Бозоров,
ЎЗА



2016 йил 12 октябрь кuni Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисла Вазирлар Маҳкамасининг тақлиф этилган аъзолари, вазириликлар ва идоралар раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар. Мажлиси Олий Мажлис Сенати Раиси Н.Йўлдошев бошқарди.

Муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишланди

Сенаторлар ўз ишини Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 23-бандига мувофиқ парламентнинг юқори палатасига киритилган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги масалани кўриб чиқшдан бошлади.

Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қарорда аёлларни, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларни, 60 ёшдан ошган эркекларни, чет давлатлар фуқароларини, шунингдек, қонунда белгиланган тартибда I ёки II гуруҳ ногиронлари деб топилган шахсларни, бошқа тоифадаги қатор фуқароларни (айрим чекловларни ҳисобга олган ҳолда) жазодан озод этиш назарда тутилган. Шунингдек, амнистия тўғрисидаги қарор татбиқ этилмайдиган шахслар тоифалари ҳам белгиланган.

Сенат қарори қўлланилиши тартиби белгиланиб, унда амнистия ҳужжати бўйича жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод этилиши лозим бўлган шахсларга нисбатан ишлар ҳамда материалларни судда кўриб чиқиш тартиб-таъминли белгилаб берилмоқда. Бунда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар Кенгашилари депутатлари амнистия тўғрисидаги қарорнинг қўлланилиши, шунингдек, қарорни ижро этиш тартиб-таъминлини очиқ-ошкор равишда таъминлашни устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда фаол иштирок этиши назарда тутилмоқда.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан тақлиф этилган "Кексаларни аъзо-

Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Huquq»

лаш йили" Давлат дастурини ижро этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган "Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди.

Ушбу қонун аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларига кўрсатилган ижтимоий хизматларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг умумий талаблари ва асосий йўналишларини аниқлаб олиш, шунингдек, давлат ташкилотлари, нодавлат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг ушбу соҳадаги роли ва жавобгарлигини ошириш мақсадида қабул қилинганлиги таъкидланди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар "Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киришти тўғрисида"ги, "Халқаро меҳнат ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва қасаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-сонли Конвенциясини ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларини кўриб чиқилди ва маъқуллади.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига кинрадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Барча кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сенатнинг ялпи мажлиси давомида демократик ислохотларни босқичма-босқич чўқурлаштиришга ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган 10 та масала, шу жумладан, 4 та қонун кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчининг тақдимомасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Куйидаги маҳкумлар:
а) аёллар;
б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
в) 60 ёшдан ошган эркеклар;
г) чет давлатлар фуқаролари;

д) Амнистия тўғрисидаги Қарор кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда I ёки II гуруҳ ногиронлари, шунингдек сил касалигининг фаол шаклига чалинган (диспансер ҳисобида 1 ва 2 гуруҳ) деб эътироф этилган шахслар жазодан озод қилинсин.

Ушбу банднинг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167 ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 104-моддаси учинчи қисми "д" бандида назарда тутилган, шунингдек ўта оғир жиноятни содир этган шахсларга;

таъкидланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.

2. Эҳтиётсизлик оқрасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни қасддан содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

Ушбу банднинг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167 ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга;

таъкидланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.

3. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати уч йилдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар жазодан озод қилинсин.

Ушбу банднинг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167 ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддасида, 104-моддаси учинчи қисми "д" бандида назарда тутилган жиноятни содир этган шахсларга;

таъкидланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.

4. Таъкидланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Мазкур Қарорнинг 1-бандида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.

Ушбу банднинг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167 ва (ёки) 168-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 104-моддаси учинчи қисми "д" бандида назарда тутилган, шунингдек ўта оғир жиноятни содир этган шахсларга;

таъкидланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.

6. Ушбу Қарор асосида озод қилинмайдиган шахсларнинг:

а) қасддан содир этган жиноят учун ўн йилдан кўп

бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати — учдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жиноят учун ўн йилдан ортқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилсин.

Ушбу банднинг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахсларга;

таъкидланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.

7. Ушбу Қарорнинг амал қилиши — узок муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган; афв этиш ёки амнистия тартибида илгари жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга; шунингдек, ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш тартибидеги жазога алмаштирилган шахсларга нисбатан татбиқ этилмасин.

8. Ушбу Қарорга мувофиқ асосий жазодан озод этилган маҳкумлар қўшимча жазолардан озод қилинмайди.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қўмита ва комиссиялари ушбу Қарорнинг қўлланилиши тартиб-таъминларининг очиқ-ошкора амалга оширилишини таъминлаш устидан бевосита сенаторлар, депутатлар, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари иштирокида таъсирчан парламент ва жамоатчилик назоратини ташкил этсин.

10. Ушбу Қарор амалга оширилиши учун масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

Тошкент шаҳри,
2016 йил 12 октябрь

Н.Йўлдошев

Роҳатда яшашни истаган киши дилани ҳирслаб пок қилиши, хору зорликни истамаса, тамағир бўлмаслиги, обрўга, иззат ва ҳурматга эга бўлишни хоҳласа, ҳалоо меҳнат қилиши кераклиги оддий ҳақиқат.

Ноқонуний «бизнес» оқибати

Илҳомжон УСМОНОВ,
Юнусобод туман прокурори

Буларга риоя қилган кам бўлмайди, бир умр роҳат-фароғатда яшаб, пушаймонлик нима эканини билмай, умргузаронлик қилади. Бирок айрим кимсалар пешона тери билан ҳаёт кечириб ўрнига осон даромад топиш илжини бўлишади. Қилмишларининг охири "вой" эканини, ҳар қандай қинғир ишнинг қийғи бир кун албатта чиқишини яхши билишади. Аммо ана шу оддий ҳақиқатга кўз юмишади, қандай бўлмасин, фойда орттириш пайида бўлишади.

Жорий йилнинг май ойида Тошкент Давлат иқтисодий университетини талабаси Сарвар Юсупжонов(исм-фамилиялар ўзгартirilган)га бир таниши АҚШ доллари кераклиги ҳақида муурожаат қилади. Вазиятдан "унумли" фойдаланишни мўлжаллаган С.Юсупжонов шу захоти "долларчи" номи билан танилган маҳалладоши Машраб Салимовни хабардор қилади. М.Салимов ҳам вақтни чўзиб ўтирмай, 10 минг АҚШ доллари 60 миллион сўм бўлишини айтади ва олди-сотди бўладиган жойини белгилайди.

Улар айрилган жойда учрашишган, М.Салимов келишилган миқдордаги сўмини олиб, 10 минг АҚШ долларини харидорга тутқазган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан кўлга олинади.

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди томонидан фойдали меҳнат қилишни истамай валютафурушликни касб қилиб олган Машраб Салимовга энг кам ойлик иш ҳақининг 75 баравари, яъни 9 миллион 768 минг, ўқиб ўрнига М.Салимовга қўшилиб, энгил даромад пайга тушган С.Юсупжоновга эса, энг кам иш ҳақининг 80 баравари, яъни 10 миллион 419 минг 200 сўм миқдориди жарима жазоси тайинланди.

Фуқаролик паспорти ҳар бир кишининг шахсини тасдиқловчи муҳим асосий ҳужжат ҳисобланади. Бирок, уни асраш, бундай ҳужжатни тоза олдй юриш бурч эканини ҳамма ҳам билвермас экан.

Ўйламай қилинган иш

Алишер ЖАББАРОВ,
Когон туман прокурорининг ёрдамчиси лавозимда иш ўрганувчи

Шалола Комронова (исм-фамилиялар ўзгартirilган) 2013 йилда ишлаш мақсадида Россия Федерациясига жўнаб кетади. Кундузи Домодедово шаҳридаги савдо дўкониди ишлаб, кечкурун ижара ҳақи ҳисобига Галина Василевна деган рус аёлига қараб, уйда яшарди. Вақтинчалик Россия Федерациясиди бўлиш қондаларини бузмаслик, Ўзбекистонга қайтишга тўғри келганида эса аэропортда "чеклаш" (депорт) белгиси қўйилмаслиги учун Дима исмли шахсдан ёрдам сўрайди. Дима Шалолодан ушбу муаммони ечиш учун 3000 Россия рубли ва фуқаролик паспортини олиб кетади.

Шундан сўнг Ш.Комронова қилаётган хатти-ҳаракати қонунга хилоф эканини билгани ҳолда шахсини тасдиқловчи муҳим ҳужжат ҳисобланган паспортининг 32 ҳамда 34-бетларига қалбаки сана ва муҳрлар қўйдириб олиб ими-жимиди Ўзбекистонга қайтади.

Бирок Шалола ўйлаганидек бўлмади. У қонун олдида жавоб беришга тўғри келди. Жиноят ишлари бўйича Когон туман суди томонидан Шалола Комронова ЖКнинг тегишли моддалари билан айбли деб топилди. Ўйламай қилган иши энг кам ойлик иш ҳақининг 25 баравари миқдориди жарима жазосига тортилишига сабаб бўлди.

Гиёҳвандлик умр заволи.

Бу кўп бора таъкидланган, исботланган ҳақиқат. Юртимизда гиёҳвандликка қарши курашиш ва унинг ёшлар ўртасида тарқалишининг олдини олиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Бугун дунё ҳамжамияти гиёҳвандликнинг оқибатлари, тарқалиш географияси ва транзит йўлагини аниқлаш ва унга барҳам беришда биргаликда курашмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексиди гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилганлик учун қатъий жазо чоралари белгиланган.

Шунга қарамай гиёҳвандликнинг олдини олиш юзасидан ўтказилган тадбирлардан бириди Ҳазорасп туманида истиқомат қилувчи Умид Аминовнинг (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ана шундай жирканч ил-



лат билан шуғулланиб келаётгани фош этилди. 55 ёшни қаршилаган, 4 фарзанднинг отаси бўлган бу шахс муқаддам ЖКнинг 276-моддаси билан судланган.

Халқимиз ёши улғайган сайин инсоннинг ақли тиниқлашади, дейишади. Афсуски, У.Аминов ақлига кулоқ солмади. Аксинча, нафсининг этагидан тутди. Қилмиши жиноят эканини, жамиятга, атрофдагиларга зарар келтиришини билгани ҳолда, ўз боғида уч туп каннабис ўсимлигини етиштирди. Вақти келиб уларни йиғиштириб қуритди ва алоҳида пакетга солиб, яши-

Зайниддин СУЛТОНОВ,
Ҳазорасп туман прокурорининг ёрдамчиси лавозимда иш ўрганувчи

риб қўйди. Ора-орада ўзи ҳам истемол қилиб юрди. Бу орада маҳалладоши М.Саидов марихуана гиёҳвандлик воситаси топиб беришини сўради. У.Аминов унга ўзаро келишилган суммага маълум миқдордаги гиёҳвандлик воситасини сотди. Орадан кўп ўтмай М.Саидов яна керак бўлаётганини айтди. 2-3 граммча марихуана қозоғга ўраб, уйдан чиқарганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари га дуч келди. Текширишда У.Аминовнинг ёнидан 2,48 грамм марихуана гиёҳвандлик воситаси борлиги аниқланди. Унинг яшаш хонадониди эса 21,25 грамм кўп миқдордаги марихуана гиёҳвандлик воситаси қонунга хилоф равишда сақлаб келинаётгани маълум бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Ҳазорасп туман суди ҳуқмига биноан У.Аминов муайян муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Инсон эркинлигига таҳдид

Дониёр ЙҮЛДОШЕВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Сирдарё вилоят бошқармаси катта тафтишчиси

Бугунги кунда дунё бўйлаб одам савдосининг кенг тарқалиши инсон шахси, шайни, қадр-қиммати, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига жиддий таҳдид солмақда. Кейинги йилларда одам савдоси тўғрисида юзага келаётган глобал хавф қанчалик ортиб бораётган бўлса, бу жиноятга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами ҳам шунчалик кенгаймоқда.

Хусусан, одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида юртимизда ҳам қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинаёпти. Давлатимиз одам савдоси трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара танламайдиган жиноят эканини ҳисобга олиб, бу иллатга қарши курашиш учун халқаро конвенцияларга қўшилди. Шунингдек, мустақиллик йилларида хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик, шу жумладан, одам савдосининг хавфи кўришиларига қарши кураш ҳақида бир қатор шартнома ва келишувлар имзоланди.


Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни ва Республика Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мамлакатимизда ушбу жиноятга қарши курашишнинг миллий қонунчилик асослари яратиб берди. Бундан ташқари, одам савдосига қарши курашиш, бундай жиноят қурбонларини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари комплекс характерга эга экани инобатга олиниб, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссияси тузилди. Ҳозирги кунда мазкур комиссия томонидан одам савдоси ҳолатларининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш ҳамда одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга қаратилган бир қатор ташкилий ва профилактик тадбирлар ўтказилиб келинаёпти. Қолаверса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг одам савдосига қарши курашиш масалаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тиббиёт ва таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва кенг жамоатчилик билан якундан ҳамкорлиги таъминланмоқда.

Бу борада СВОЖДЛҚК департаментининг



Сирдарё вилоят бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлиmlари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида мазкур йўналишда аҳоли ўртасида 144 мартаба профилактик тадбирлар ўтказилди. Оммавий ахборот воситалари орқали 68 мартаба чиқишлар қилинди. Шу билан бирга мазкур соҳадаги жиноятларни аниқлаш юзасидан олиб борилган тезкор-қидирув тадбирлари давомида 6 та ҳолат аниқланиб, айбдорларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилди. Жумладан, департаментнинг Сирдарё вилоят бошқармаси томонидан шу йилнинг июнь ойида фуқаро С.Довудова (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ва А.Санаеваларнинг аризаларига асосан ўтказилган тезкор тадбирда фуқаро Анора Толибова ушбу фуқароларни алдаб, Қозоғистон Республикасининг Остона шаҳрига иш топиб бериш учун олиб кетаётган вақтида ушланган. Маълум бўлишича, А.Толибова қўшни республикадаги жиний шериклари билан келишган ҳолда ўз тўғрига илтириган ушбу фуқаролардан фарзали мақсадларда фойдаланмоқчи бўлган экан. Мазкур ҳолат юзасидан А.Толибовага нисбатан жиноят иши қўзғатилди ва суд ҳуқми билан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Хулоса тариқасида айтганда, одам савдосининг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш халқаро ва минтақавий даражада жиддий ёндашув ҳамда ўзаро ҳамкорликни талаб этади. Зеро, одам савдоси, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари гайриқонуний равишда айнан инсон томонидан камситилиши кечириб бўлмас жиноятдир.



21 октябрь — ўзбек тилига Давлат мақоми берилган кун

Маънавиятимиз кўзгуси

(Давоми.
Бошланиши 1-бетда)

Истиқлол йилларида давлат тилини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, уни миллий қадриятга айлантириш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, мамлакатимизда ҳар йили 21 октябрь кунини тил байрами сифатида нишонлаш аъёнага айланган. Ўзбек тилининг қўлланиш доираси амалда ниҳоятда кенгайди. Олимлар ва мутахассислар томонидан уни илмий асосда ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларига бағишланган бир қатор илмий ва оммабоп китоблар, илм-фан ва турли соҳаларга оид энциклопедия ва луғатлар, дарслик ҳамда ўқув қўлланмалари чоп этилди.

Бугунги кунга келиб жаҳон халқлари давлатимиз рамзлари — Ўзбекистон Республикаси байроғи, герби ва давлат маънавияти қаторида ўзбек тилига ҳам ҳурмат билан қараб, нафис ва бой тил сифатида юксак баҳо бериб келмоқда. Шунингдек, ўзбек тили компьютер ва интернет, аниқ фанлар, тиббиёт, иқтисодиёт каби махсус термин ва тушунчаларни талаб қиладиган соҳаларда ҳам кенг қўлланилмоқда. Бу тилимизнинг имкониятлари ниҳоятда катта эканлигидан далолат беради. Дунёда бой тарихи, маъна-



Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

вий қадриятларига эга халқлар бармоқ билан санарли. Улар орасида ўзбек халқи ўзининг муносиб ўрнига эга. Шундай экан, миллатимиз миллийлигини намойён қилиб турувчи она тилимизнинг софлигини сақлаш, уни бойитиш ва мустақамлашга алоҳида эътибор қаратмоғимиз лозим. Зеро, тил миллат тараққиётида муҳим ўрин тутати. Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий, ботлиқлик тил орқали намойён бўлади.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, барча соҳаларда бўлгани каби тилимиз тараққиётида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. Ўзбек тилининг халқроқ микёсда обрўси ошиб, фаол мулоқот во-

ситасига айланиб бормоқда. Турли даражадаги расмий учрашув ва музокарада тилимиз кенг қўлланиётгани, хориждаги қатор таълим даргоҳларида, илмий муассасаларда ўзбек тили марказлари ташкил этилиб, уларда она тили маънавияти ўрганишга қизиқувчилар сони кўпайиб бораётгани бунинг яққол далилидир.

Дарҳақиқат, ҳар бир миллатнинг, халқнинг ўтган кунни, бугунни ва келажagini, унинг маъжудлигини биргина омил — она тили билдириб туради. Жонажон ўзбек тили — она тилимиз хусусида сўз кетганда, шубҳасиз, унинг дунё тиллари орасида ўзига хос мавқега эга эканлигини кўраемиз. Тилнинг эгаси халқ. Аммо халқнинг бир вакили лоқайд бўлса ҳам тилнинг софлиги

путур етиши мумкин. Ахир биринчи — мингга, мингники — туманга, деган мақол бор. Тил маданиятига амал қилинмаса, миллий маданиятга доғ тушади. Айрим ёшлар ўзбек тилига эътиборсизлик билан қарайдилар. Ҳатто баъзи ўзбек хонадонларида ўзаро мулоқот бошқа забонда кечади. Бу билан улар ўзларини маданиятли қилиб кўрсатмоқчи бўладилар ва миллат ичида бошқалардан ажралиб тургилари келади. Аслида ҳар қандай чет тилини ўрганиш жараёни ўз она тили заминида рўй беришини улар унутмасликлари керак. Зеро, республикамизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов ёшлар билан учрашувларининг бирида тилимиз ҳақида тўхталиб, "Шунга алоҳида урғу

беришимиз керакки, чет тилларни ўрганиш минбаъд она тилини эсдан чиқариш ҳисобига бўлмаслиги лозим. Давлат тили ҳақидаги қонунни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки у халқнинг хоҳишироқдаси, уни бузган, менсиманган одам халқ юзига оёқ қўйган кишидир" деган эди.

Ўзбек тили республикамизда давлат тили сифатида амал қилишининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги "Давлат тили ҳақида"ги Қонунида белгилаб қўйилган. Тилимизни эъзозлаш, ёш авлодни она тилига ҳурмат руҳида тарбиялаш, уни миллий ва умумбашарий тушунчалар асосида тараққий этган тиллар сафига қўшиш ҳар биримиздан она тилига чуқур ҳурмат билан ёндашишни талаб этади.

Тил — миллатимиз фахри, гуруридир. Айни чоғда орзу-умидларимиз, истиқлолимиз унда буй кўрсатадиган қалбимиз ойнаси ҳамдир. Шундай экан, она тилимизга доимо ҳурмат ва эътиборда бўлиб, унинг жамиятимиздаги мавқеини юксалтиришга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшайлик. Зеро, тил бор экан, миллат барҳаёт, унинг истиқболи нури ва чароғондир. Тилга эътиборсизлик эса қонунларга, миллатга, шу юртда истиқомат қилаётган ҳар бир кишига ҳурматсизлик ҳамдир.



Албатта, Она тили миллатнинг, элнинг виждонидир. Ҳар бир киши ўз она тилига эга бўларкан, уни доимо эъзозлаши, асраб-авайлаши, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиши даркор. Кўп тилларни билиш, ўрганиш бошқа халқларнинг маданиятидан, илм-фан ютуқларидан баҳра олиш имкониятига эга бўлишдир.

Дарҳақиқат, тил бамисоли — уммон. Унда барча фикрлар учун "либос" лар топилади. Юксак гоғли ва мазмули нутқ тил орқали ифодаланиб, кишилар қалбига саодатга — келажакка чорловчи нур бўлиб қиради. Тил бениҳоят муқаддас ва мўтабар неъмат, у одам деган мавжудотни шакллантирган, тараққиёт босқичларига олиб чиққан, руҳий такомилга бошлаган, тафаккур гулшанининг дарвозазарини очган, сеҳрли бир ҳилодир.

Миллатнинг асосий рамзларидан бўлмиш, камолот омили саналмиш Она тили ҳақида Биринчи Президентимиз Ислам Каримов шундай деган эди: "Жамкии эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакорр жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатларнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар бир миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар".

Тил миллатнинг ажралмас белгиси ва давлат мустақиллигини ифодаловчи жиҳатлардан биридир. Ўзбекистон Республикасида турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Уларнинг ўз

Тил — миллат руҳидир

Феруза ФУЗАЙЛОВА,

Тошкент давлат юридик университети
Маънавият ва маърифат маркази мутахассиси

она тили, урф-одатлари ва аъёналари доимо эъзоз-эътибордадир. Миллат виждонининг тимсоли бўлган тилимизга давлат тили мақоми берилиши, ҳар бир тилнинг мустақил ва эркин бўлишига замин яратди.

Барчамизга маълумки, ҳар бир миллатнинг, ҳар бир халқнинг ўз она тили мавжуддир. Ўз она тилига эга бўлган давлатлар келажакга буюқдир. Давлат томонидан ўз она тилини мустақамлаш, уни бойитиш ва ривожлантириш йўлидаги амалий ишларнинг олиб борилиши, шаксиз унинг тарихини ва истиқболини юзага чиқаради.

Ҳар бир давлат ўз расмий тилининг софлиги ва бойиб боришини таъминлайди ва унинг истъомол доираси кенгайиб бориши учун ғамхўрлик қилади; уни ўрганиш ва ўқитиш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беради. 1995 йил 21 декабрда янги тахрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонун она тилимизнинг мавқеи янада ошиши ва равнақ топиши, такомиллашуви учун кенг имкониятларни яратиб берди. Ҳозирги кунда тилимиз янада ривожланмоқда, унга бўлган эътибор янада ошиб бораёпти. Матбуотда, радио-телевидениеда, Ўзбекистон миллий наشريётларида чоп этилаётган нодир асарлар, дарсликлар, кўп жилдик Ўзбек давлат миллий энциклопедиялари ҳам бунинг яққол исботидир.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, 1989 йилги "Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисида"ги Қонун муҳокамага қўйилган чоғда зиёлилар, жумладан сийёсатшунослар орасида ҳам турли фикрларни дастак қилиб чиққанлар бўлган экан.

Уларнинг бир қисми ўша даврнинг сийёсатидан чўчидиган тоифа бўлса, иккинчи қисми масаланинг моҳиятини тўғри тушунмаган, таҳлил қилолмаган одамлар бўлган. Ўша кезларда давлат тили икки тилда бўлсин, деган тақлифлар ҳам юзага чиққан. Лекин давлат тили битта бўлади. Мамлакатнинг Конституциясидан тортиб ҳар бир ҳужжати битта тилда яратилади ва бу тил шу миллатнинг иродаси кайфияти, билими, савияси, сийёсий ҳуқуқларини намойиш қилувчи ойна ҳисобланади.

Мана 27 йилдики, она тилимиз бутун дунёдаги тиллар қатори ўз ўрнига, обрў мақомига эга. Шу билан бирга бугун она тилимиз имкониятларини қай даражада намойён эта оламиз, деган ҳақли савол ҳам борки, у ҳар биримизни ўйлантириши керак. Биз ёшлар, тилимиз бойликларидан кўпроқ фойдаланишимиз, тил хазинамизнинг нодир меъросини сақлаб турган асарларни кенгроқ ўрганишимиз лозим.

Ўзбек тилимизнинг бойлигини яқлит холда тасаввур этиш учун Алишер Навоий асарлари дунёсига бир назар ташлашнинг ўзи kiffoя. У ҳақида гапирганимизда, бепеён тафаккур ва туйғулор оламига шўнгиниш. Бу оламда буткул коинот акс этади, десак муболага бўлмайди.

Бу борада ўзбекнинг забардаст ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор айтганидек: "Ўзбек тилида яхши фикр ва туйғулорни ифода қилиб бўлмайди деган назарияни Навоий бундан беш юз йил бурун тор-мор қилган" — дея ҳақли фикр билдирган.

Алишер Навоий бутун ҳаёти ва ижодини она тили равнақи учун бахши-

да қилди. У замонларда "Туркий тил" деб юритилган она тилининг сўз бойлиги, бадиий ижод учун яроқли эканлиги ҳақида махсус назарий асар "Муҳокаматул-луғатийн"ни ёзди. Шарқ мумтоз адабиётининг ҳамма жанр ва турларида бетакорр асарлар яратди. Бу тилда биринчи "Хамса"ни кейин эса "Мажolis ун-нафоис"ни ёзиши билан мавжуд адабий аъёналарга янгиликлар киритди. Халқ маданияти, маърифати ва маънавиятининг юксалишида тилнинг муҳим восита экани, тил башарият наслини ўтимиш ва замон билан болғовчи тимсол экани шоир ва арбоб Навоийнинг ҳаммашиқат марказида бўлди. Ханузча бу буюқ алломанинг "Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз", — деган ҳикматли ибораси бутун дунёда машҳур. Бундан ташқари, мумтоз адабиётимиз вакилларининг халқ достонлари — "Алпомиш", "Гўрўғли" туркумидаги асарларнинг ўзбек тилида яратилиши, шунингдек Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ижод намуналари, айниқса, "Бобурнома"дай шох асарларнинг, қолаверса, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Гафур Ғулوم ва бошқа ижодкорлар яратган гўзал асарлар ҳам, тафаккур салтанати ҳам ўзбек тили буюқлигини намойён этадиган бебаҳо, ўлмас, адабий бойликдир. Нутқнинг гўзаллиги, тилнинг бурролиги, ифоданинг аниқлиги инсон учун ўзига хос хусндир, бу хусн охир оқибатда жамиятнинг, миллатнинг хуснини кўрсатади.

Ҳуқуқий Ҳимоя Кафолати

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Шу ўринда 1991 йил 15 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тўхталиб ўтиш лозим. Ўзига хос аҳамият ҳамда мавқега эга бўлган, 10 та моддадан иборат ушбу қонуннинг қабул қилиниши, юртимизда тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий базасини яратиш, бозор муносабатларига ўтишни таъминловчи муҳим омиллардан бири эканлигини тўғри англаб етилганидан дарак беради. Мазкур қонунни том маънода Ўзбекистондаги тадбиркорликнинг ҳуқуқий асоси бўлди, деб эътироф этиш ҳам мумкин. Бу билан тадбиркорлик фаолиятининг давлат томонидан ҳар томонлама ҳимоя қилинишига тамал тоши қўйилди, уни ишончли кафолатлаш механизми яратилди. Тадбиркорликнинг ҳуқуқий моҳияти, шакллари, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини янада такомиллаштириш чоралари кўрилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги 1999 йил 14 апрелда ҳамда "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги 2000 йил 25 майда қабул қилинган Қонунарида ҳам тадбиркорликни янада ривожлантириш ва иқтисодий эркинлаштириш билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди. Шу билан бирга, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайитиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятининг асосий эканлишига йўл қўймаслик борасида Ҳукуматимиз томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу даврда қабул қилинган мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида босқичма-босқич олиб борилган ислохотларнинг асосини ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя

қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига кўра, назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларида ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказганлиги учун шахсан жавобгар бўлишлари тўғрисида талаб ўрнатилди. Муқобил текширувларни ўтказиш чоғида тадбиркорлик субъектларига бориш ва улардан текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш қатъиян ман этилди.

Сўнги йилларда хусусий мулк мавқеини ошириш, уни ҳимоя қилиш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитларини янада яхшилашга қаратилган ўн бешдан ортқ қонун қабул қилинди.

Шу ўринда 2015 йил 21 август кунини матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада қучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунини алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур қонунга асосан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги бир қатор қонунлари, кодекслари ва ўзгариш ва қўшимчаларнинг киритилиши хусусий мулк, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни янада қучайтирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 5 октябрда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига аралашувларни тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслигининг энг муҳим устувор йўналиши ҳамда давлат орган-



ларининг биринчи даражали вазифаси эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Ушбу мақсадларда давлат органларига, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмаларга:

ўз фаолиятида белгиланган талабларнинг ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги тамойилини сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш, шу муносабат билан ўз вазифаларини ва ваколатларини танқидий қайта қўриб чиқиш;

тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асосий тўхтайтиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари талаблари қатъий бажарилишини, тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита айборлардан ундирилишини таъминлаш топширилди. Шунингдек, ушбу норма билан давлат органларига айбдор ходимларга нисбатан нафақат интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликнинг энг қатъий чораларини қўллаш мажбуриятини юклаганига қолмасдан, тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита ушбу ходимлардан ундирилишини таъминлаш ҳам юкланди.

Бундан ташқари, Фармонга биноан, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб қуйидаги илга-

ри қўрилмаган чоралар жорий этилади:

тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинади. Юридик шахснинг тугатилиши билан боғлиқ текширишлар, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳолатлари бўйича муносабатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлар бундан мустасно;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинади; молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимлари йўл қўйилган қонунбузарликларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ихтиёрий равишда бартараф этган ва етказилган моддий зарарни қоплаган тақдирда, инсоннинг соғлиги ва ҳаётига зарар етказилган ҳолатлар бундан мустасно, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан, жарималар ва молиявий санкциялар (пенядан ташқари) қўлланилишидан озод этилади.

Бундан кўринадики, назорат қилувчи органлар эндиликда режадан ташқари текширишлар ўтказиш ҳуқуқига эга бўл-

Ботир ҚУДРАТХОДЖАЕВ,
Тошкент шаҳар прокурори

майдилар. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини таъминлаш мақсадида фақат жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилгани ҳолатлари тўғрисидаги муносабатлари асосида қисқа муддатли текширишлар ўтказишни чекланган имконияти сақланиб қолади. Бундай текшириш фақат Республика кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказишни мумкин бўлади ва текшириш муддати бир иш кунини билан чекланилади.

Фармонда шунингдек, молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимларини ҳамда тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказмасдан амалга ошираётган шахсларни, улар томонидан етказилган зарарни қоплаган ва ҳуқуқбузилгани оқибатларини белгиланган муддатларда ихтиёрий бартараф этган тақдирда, жавобгарликнинг барча турларидан озод қилиш каби тубдан янги чоралар назарда тутилган.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо қўллаш тақийланди.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларнинг йилдан-йилга такомиллашуви, уларнинг фаолиятига мансабдор шахслар ва давлат ҳокимияти органлари ноқонуний аралашувларининг олдини олишга, бу эса ўз навбатида, кичик бизнес субъектларининг сони ортишига, шу орқали мамлакатимиз иқтисодининг ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга хизмат қилади. Бу ишлар пировард натижада, мамлакатимизда хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, бизнес муҳитини яхшилаш, иқтисодийта маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, янги иш ўринлари яратиш, халқ фаровонлигини янада оқсалтириш имконини беради.

Долзарб вазифалар белгилаб олинди

Қашқадарё вилоят прокуратурасининг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг мазмун-моҳияти, унда прокуратура ходимлари олмига қўйилган вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Кун тартибидидаги масала юзасидан вилоят прокуратураси қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Б.Эркаев маъруза қилди.

Қайд этилдики, мазкур Фармонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, тадбиркорларнинг фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш, бу борадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактик ишлар самарадорлигини ошириш ва қонунбузарликларга йўл

қўймаслигини таъминлаш энг муҳим устувор йўналиш ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси эканлиги белгиланган.

Ҳозирги даврда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устувор аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан давлат органларига, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмаларга ўз вазифаларини ва ваколатларини танқидий қайта қўриб чиқиш, тадбиркорлик фаолиятини қонун-

га хилоф равишда аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асосий тўхтайтиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари талаблари қатъий бажарилишини, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита айборлардан ундирилишини таъминлаш топширилди.

Ушбу норма давлат органларига айбдор ходимларга нисбатан интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликнинг энг қатъий чораларини қўллаш мажбуриятини юклаганига қолмасдан тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилишини таъминлаш вазифасини ҳам юклайди.

Бундай чора-тадбирларнинг қўлланилиши ноқонуний текширишларни ташкил этиш ва ўтказиш, айниқса давлат органлари ходимларининг ноқону-

Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

ний хатти-ҳаракатлари оқибатида тадбиркорлик субъектларининг фаолияти асосий тўхтайтилиши ва зарар етказилишининг олдини олиш имконини беради.

Фармонда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувдан ишончли ҳуқуқий ҳимояга йўналтирилган давлат назоратининг принциплар жиҳатдан янги бир қатор механизмлари белгиланган. Жумладан, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб Фармонда белгиланган чоралар жорий этилади.

Йиғилиш якунида Фармон ва соҳага оид қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда тезис тайёрлаб, прокуратура ходимлари ўртасида тест сновлари ўтказиш лозимлиги ҳақида мутасадди ходимларга кўрсатилган берилди.

Давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири



Давлатимизнинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов раҳбарлигида униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, ўз фикрига, ўзининг қарашлари ва қатъий фуқаролик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантириш мақсадида Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилди. Таълим тизимини тубдан янгилаш ва ислоҳ қилиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим жорий этилди. Умумтаълим мактабида 9 йил билим олган ўқувчилар 3 йил лицей ва коллежларда ўқишни давом эттириб, икки-учтадан касб-ҳунарларни эгаллашмоқда.

Фаолият кўрсатаётган 9,5 мингдан зиёд умумтаълим мактаблари янгидан қурилди ва капитал реконструкция қилинди. 1500 дан зиёд академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари барпо этилди. Замонавий ўқув-лаборатория, компьютер ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари билан тўқис таъминланган мактаб, лицей ва коллежларда малакали ўқувчи педагоглар янги, мукамал ўқув-услубий қўлланмалар, дарсликлар асосида ўқувчи ёшларга юқори савияда таълим-тарбия беришмоқда.

Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб олтимиш фоизини ташкил этувчи 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қароқўлатиш ҳамда эзгу орзу-мақсадларини рўёбга чиқаришга қаратилган қонунчилик такомиллаштирилмоқда. Янгидан қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни фарзандларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қароқўлатиш ҳамда эзгу орзу-мақсадларини рўёбга чиқаришга қаратилган қонунчилик такомиллаштирилмоқда. Янгидан қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни фарзандларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қароқўлатиш ҳамда эзгу орзу-мақсадларини рўёбга чиқаришга қаратилган қонунчилик такомиллаштирилмоқда. Янгидан қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни фарзандларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қароқўлатиш ҳамда эзгу орзу-мақсадларини рўёбга чиқаришга қаратилган қонунчилик такомиллаштирилмоқда. Янгидан қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни фарзандларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қароқўлатиш ҳамда эзгу орзу-мақсадларини рўёбга чиқаришга қаратилган қонунчилик такомиллаштирилмоқда.

килий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимидан иборат. Ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳаёти ва соғлигини сақлаш, маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш, уларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидир. Ушбу вазифалар давлат дастурлари, ҳудудий ва бошқа дастурлар орқали амалга оширилади.

"Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасида прокуратура органларининг ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш, ушбу соҳадаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни профилактикасини амалга ошириш, ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда баргараф этиш, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фаолиятида иштирок этиш, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилишдан иборат

бўлган ваколатлари белгилаб қўйилди.

Ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларнинг таълим, фан, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, меҳнат ва бошқа соҳаларда қафолатланган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоят прокуратураси органлари томонидан ёшларнинг, воёга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига оид қонунчилик ижроси доимий таҳлил қилиб борилмоқда. Жорий йилнинг ўтган ойларидега соҳага оид қонунлар ижроси таҳлилларининг натижаларига кўра 2772 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланди. 529 нафар шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ижроси юзасидан 43 та текширишлар натижасига кўра 675 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, шундан қонунга зид равишда қабул қилинган ҳужжатларни бекор қилиш юзасидан 50 та протест келтирилди, жойларга 133 та тақдимномалар киритилиб, прокурорнинг қарор ва тақдимномаси бўйича 1005 нафар шахслар интизомий, 51 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди, 10 млн. 649 минг сўмлик етказилган зарар ихтиёрий ундирилди. Қўпол қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 8 та жиноят ишлари кўзгатилиб, 26 нафар шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Фарзандларнинг таълим олишларини таъминлашга оид наоралар маъмурий, таълим борасида қонун бузилишига йўл қўйган ўқитувчилар интизомий жавобгарликка тортилди. Тарғибот тадбирлари натижасида 266 нафар ўқувчи қизларнинг барвақт турмушга чиқишларининг олди олинди.

Ўқувчиларга турли тўғрақларда билимларини мустаҳкамлаш, иқтидорларини рўёбга чиқариб бориш имкониятларини ҳавола этилган. Фарғона шаҳар прокуратураси томонидан машинасозлик коллежидан бирорта ҳам тўғрақ ишламаётгани аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди. Прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, виллоят бўйича мактаблардаги 110 та, коллежлардаги 118 та тўғрақлар фаолияти қайта йўлга қўйилди.

Янги ўқув йили арафасида

9-синф битирувчиларининг ота-оналари билан ўтказилган учрашувларда 12 йиллик таълимнинг мажбурийлиги, ўқувчиларнинг дарс қолдиришлари, ишлаш мақсадида чет давлатларга чиқиб кетишлари, эрта турмуш қуришларининг салбий оқибатлари, таълимга тўсқинлик қилиш, воёга етмаганларнинг назоратсизлиги ва қаровсиз қолдирилганлиги учун ота-оналарнинг ва бошқа масъул шахсларнинг маъмурий, ҳатто жиноий жавобгарликка тортилиши атрофлича тушунтирилмоқда.

Ҳар йили алоҳида давлат ва ҳудудий дастурлар асосида янги иш ўринлари яратилиб, касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари ишга жойлаштирилиши таъминланмоқда. Битирувчилар амалиёт ўтаган қорхона, ташкилот, муассасаларда тўрт томонлама шартномалар асосида меҳнат фаолиятларини бошлашгапти. Шунингдек, виллоят ҳокимининг қарори, туман ва шаҳар прокурорлари ташаббуси билан ташкил этилаётган бўш иш ўринлари ярмаркаларида иштирок этган битирувчиларга танлаган иш жойларига йўллалар берилмоқда.

Коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш жараёни қатъий назоратга олинган. 2015-2016 ўқув йили битирувчиларининг 57199 нафари билан тузилган тўрт томонлама шартномалар ўрганилиб, 2789 та қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган. Яъни, шартнома-лар иш бериш ваколатига эга бўлмаган, бўш иш ўрни бўлмаган, тугатилган ёки фаолият кўрсатмаётган қорхоналар билан ҳужажларини тузилган. Тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, қонун бузилиши ҳолатларини баргараф этиш, битирувчиларни ҳақиқатда иш билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Воёга етмаганларнинг турар-жой ва мулк ҳуқуқларига оид қонунчилик ижроси ўрганилмоқда. Хусусан, Қувасой шаҳар ҳокими томонидан онаси бор воёга етмагани меҳрибонлик қилиб уйига жойлаштириш муддатини кўрсатмасдан, турар-жойи бўлган ҳолда болага бириктирмай, қонуний қабул қилинган қарор виллоят прокуратурасининг протестига асосан бекор қилинди. Туман ва шаҳар ҳокимларининг юқоридега каби қонуний қабул қилинган 5 та қарорларига нисбатан протест келтирилди.

Янгидан қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати

Сирожиiddин ЭШҚУВВАТОВ,
Фарғона виллоят прокурорининг
биринчи ўринбосари

тўғрисида"ги Қонун фарзандларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада мукамал таъминлашга қаратилган муҳим ҳужжатдир. Унда, ёшларнинг ижтимоий ҳимояси қафолатланган. Бепул тиббий хизмат, таълим олиш, олий таълим муассасаларида грантлар доирасида бепул таълим олиш, ўй-жўш қуриш, олиш, реконструкция қилиш учун имтиёзли кредитлар бериш, етим болаларни ва ота-онасидан маҳрум бўлган болаларни турар-жойлар билан, коллеж, олий таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, кам таъминланган ёш оилаларга моддий ёрдам бериш орқали ёшлар жамиятда ўз ўринларини топишлари, ҳуқуқларини рўёбга чиқаришлари учун шарт-шароитлар яратилди. Иқтидорли ёшларга илм-фан, маданият, санъат, спорт соҳаларида истеъдодларини рўёбга чиқариш имкониятлари ҳавола этилиб, иқтидорли ёшларга муқофотлар, стипендиялар, таълим грантлари берилди. Фан, маданият ва санъат соҳаларида устозоналар, мактабларни ташкил этиш рағбатлантирилади. Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида танловлар, олимпиадалар, ўғразмалар, фестиваллар, симпозиумлар, концертлар, семинарлар ташкил этилади.

Қонунга мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти асослари бўйича ўқитиш, тадбиркорликни ташкил этишда кўмаклашиш, имтиёзли кредитлар бериш, алоҳида дастурларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш йўли билан ёшларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишлари давлат томонидан қўллаб-қувватланади.

Ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Янгидан қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонун фарзандларимизнинг мукамал билим олишлари, маънавий ва жисмоний баркамол ўсиб-ўлғайишлари, танламан касб-корлари, соҳаларида меҳнат фаолиятларини бошлашлари, интеллектуал салохиятларини, иқтидорларини рўёбга чиқаришларини таъминлайди, юртимизнинг тараққиётига хизмат қилади.

Ўртача умр кўриш бўйича мамлакатимиз дунёда етакчи давлатлар қаторида турибди. Бу соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунлар ижроси, оналик ва болаликни муҳофиза қилиш, айниқса, келажакимиз эгаларининг соғлом дунёга келишлари ва ҳар жиҳатдан баркамол ўлғайтиришга юксак даражада эътибор қаратилаётгани натижасидир.

"Соғлом она ва бола йили" муносабати билан қабул қилинган давлат Дастурида ҳам бу борадаги муҳим вазифалар, кенг қамровли чора-тадбирлар кўзда тутилган. Оналар соғлиги, болалар камолли юрт келажакини таъминловчи муҳим мезон экан, унинг ижросини таъминлаш ҳар биримизнинг му-

Саломатлик — туман бойлик

қаддас бурчимиздир.

Наманган шаҳар прокуратураси томонидан "Соғлом она ва бола йили" давлат Дастури ижросига шу нуқтаи назардан жиддий эътибор билан ёндашилмоқда.

Авалло, таъкидлаш жоизки, шаҳарда "Соғлом она ва бола йили" муносабати билан аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, ҳомилалар аёлларга ва болаларга алоҳида гамҳўрлик кўрсатиш, уларга юқори савияда малакали тиббий ёрдам кўрсатиш борасида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, замонавий жиҳозланган ши-

фохоналар, ҳудудий поликlinikалар аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Мамлакатимизда тиббий соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохлар самараси улар фаолиятида яққол намоён.

Айтиб ўтганимиздек, буларнинг барчаси юртимизда халқимиз саломатлигини сақлаш энг долзарб масалалардан бирига айланганидан далолат беради.

Бироқ бу борада ўтказилган текширувлар натижаси айрим ҳолатларда ишлар қонун талаби даражасида эмаслигини кўрсатмоқда.

Назорат тадбирлари давомида аниқланган қонунбузилишларни баргараф

Абзамжон АБДУСАМАТОВ,
Наманган шаҳар прокурорининг ўринбосари

этиш юзасидан тегишли жойларга 3 та тақдимнома киритилди, 21 нафар шифокор ва 8 нафар ҳамширага нисбатан интизомий, 54 нафарига маъмурий жазо қўланиб, 3 нафар шифокор ўз хизмат вазифасидан четлатилди. Гап инсон саломатлиги ҳақида кетар экан, бу борада биргина хатога ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Фуқароларимиз ҳаётини сақлашга қасамд қилиб, оқ либос кийган шифокорлар буни ҳамisha ҳис этмоклари даркор.

Мана йигирма беш йилдирки, маънан етук, жисмонан соғлом, замон билан ҳамнафас фикрлайдиган, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнига дахлдорлик ҳиссини туйиб, ана шундай туйғу билан яшайдиган, унинг равнақига баҳоли қудрат ҳисса қўшишга интиладиган авлодни — келажагимиз ворисларини вояга етказиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Зеро, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганларидек, "Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало, ўз фарзандлари қиёфасида, унибўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилизларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради. Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир".

Дарҳақиқат, юртимизда вояга етмаганларнинг бахту иқбولى давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, уларнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари йўлида барча имкониятлар ишга солинмоқда. Ўзбекистоннинг турли гўшаларида қад ростлаётган, жаҳон стандартларига жавоб берадиган замонавий ўқув даргоҳлари, спорт-соғломлаштириш иншоотлари, барча-барчаси фикримизга яққол мисол бўла олади.

Юртимиз ёшларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш асосий масалалардан бўлгани боис, бу борада қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Масалан, Истиқлолнинг дастлабки даврида, яъни 1991 йилнинг 20 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонунда давлат миллати, тили, ирки, дини, ижтимоий мавқеи, жинси, маълумоти, этниқодидан қатъи назар, мамлакатимизнинг барча ёшлари тўғрисида ғамхўрлик қилиши, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаши ҳамда ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиши белгилаб қўйилган эди. 1992 йил 2 июлда эса "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг юз бериши, шунингдек, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши натижасида ушбу қонун замон талабига тўлиқ жавоб беролмай қолди. Шундан келиб чиқиб, 1997 йилнинг 29 августда ушбу қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Мазкур қонун фуқароларга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди ҳамда ҳар қимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини мустаҳкамлади.

Ёшлар ва вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясига оид қонунчилик асосларидан яна бири Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Қонундир. Мазкур дастурнинг мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ушбу қонунлар ёшлар тарбиясида, уларни соғлом турмуш тарзига ўрга-



Ёруғ келажак сари

тишда, иш билан таъминлашда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим ҳуқуқий база вазифасини ўтади.

Жорий йилнинг 14 сентябрь куни эса "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси давлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан фуқаролик институтлари ҳамда бевосита ёшларнинг тақлиф ва тавсиялари асосида ишлаб чиқилди.

4 та боб ва 33 та моддадан иборат ушбу қонунда ёшларга оид давлат сиёсати, ёшлар (ёш фуқаролар), ёш оила, ёш мутахассис ҳамда ёшлар тадбиркорлиги каби бир қатор тушунчалар қўлланилган. Жумладан, ёшларга оид давлат сиёсати деганда, давлат томонидан амалга оширилаётган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш, уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратишни назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими назарда тутилади.

Қонунда шунингдек, ёш фуқаролар тушунчасига ҳам изоҳ берилган бўлиб, унга кўра, 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган шахслар ёшлар ҳисобланади.



Бундан ташқари, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қонунда ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг ваколатлари ҳамда уларнинг соҳадаги иштироки белгилаб берилган. Жумладан, қонуннинг 9-моддасига кўра, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар ва муассасалар тизими таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, маданият ва спорт ишлари бўйича органлар, меҳнат органлари, прокуратура, ички ишлар, адлия, мудофиа ишлари бўйича органлари қиритилган. Шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда бошқа органлар ва муассасалар ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ иштирок этуши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, қонундаги муҳим ўзгаришлардан бири — прокуратура

органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларининг белгиланган берилиши тўғрисида тўхталиб ўтиш лозим.

Унга кўра, прокуратура органлари: ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади;

ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва бунга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятда иштирок этади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилиши ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкинлиги назарда тутилади.

Қонунда шунингдек, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ёшлар ижти-

Шавкатжон РАХИМОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

қийсдир. Чунки, инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади.

Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилизлари билан яшайди".

Ушбу масалага қонуннинг "Ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари" деб номланган 24-моддасида тўхталиб ўтилган. Ёш фуқаролар ва ёш оилалар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадига давлат томонидан қуйидагилар воситасида ёшларни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари назарда тутилиши мумкин:

оилавий ҳаётга оид муаммолар, психологик-педагогик, ҳуқуқий ва бошқа масалалар юзасидан маслаҳатлар бериш тизимини ривожлантириш;

ёшларга ижтимоий хизмат, ижтимоий ёрдам кўрсатувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари тизимини ривожлантириш;

ёшларнинг дам олиши ва уларни соғломлаштиришни ташкил этиш тизимини ривожлантириш. Шунингдек, қонун ҳужжатларида ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бошқа қўшимча чора-тадбирлари ҳам назарда тутилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Умуман олганда, "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида қабул қилиниши демократик давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида ёшларнинг фаоллигини ошириш, юксак маънавият, мустақил фикрловчи, кенг дунёқараш ва чукр билимга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллашлари учун шарт-шароитлар яратиш, иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш баробарида, ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш бўйича қилинаётган ишларнинг изчил давоми дейишимиз мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугун юртимизда амалга оширилаётган барча ишлар биринчи галда ёшларимизнинг бахт-у саодати, уларнинг ёруғ келажagini кўзлайди. Одобли ва билимдон, ақли ва соғлом, меҳрибон ва меҳнатсевар фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамият, давлатимиз ва халқимизнинг битмас-туганмас бойлиғи ҳисобланади. Уларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, маънавият кўрғони бўлган оилани мустаҳкамлаш эса барчамизнинг бурчимиздир.

Чиройли ҳаёт кечиришни ким хоҳламайди дейсиз? Айниқса, бугун барча жабҳаларда инсон ўзликни намоён қилиши учун имкониятлар яратилган замонада. Шартшароитлардан оқилона фойдаланган юрлошларимиз ўз турмуш шароитларини тубдан ўзгартирмақдалар.

Базий бировлар эса бирданга бойиб кетишни, яхши ҳаёт кечиришни орзу қилишади. Бу ҳою ҳавас нотўғри ва ноқонуний фаолиятга, жинойи қилмишга бошлайди.

Гурлан туманидаги фермер хўжалиқларининг бирида

ишчи сифатида ишлаб келган Раимбой Хўжаниязов (исм-фамилиялар ўзгартрилган) ҳам шу тарзда адашди.

Фермер хўжалиги далаларида бугдой ҳосилидан кейин шולי етиштириш йўлга қўйилди. Раимбой буни ўз истакларини бекаму кўст рўёбга чикариш учун восита деб ҳисоблади.

2009 йилнинг август ойларида фуқаро М.Ражабовани шולי экилган майдонлардан бирига олиб борди.

— Бу майдонларнинг ҳаммаси менга тегишли. Озгина пул бериб турсангиз, бир-икки ойдан сўнг шולי пилшгач, ар-

зон нарҳда шולי берардим, — деди.

Аёл унга ишонди. Озгина дегани 36 млн. 200 минг сўм эди. Йигитга пулни ўз қўллари билан топширди. Орадан икки ой тугул, етти йил ўтиб ҳам, пулни қайтариб ололмади. Аксинча, 2012 йилда Р.Хўжаниязов содда аёлни яна чув туширди. Фуқаро Н.Алиевга тегишли бўлган автомашинанинг техник паспортини бериб, яна 4 млн. 800 минг сўм олади. Тергов жараёнида Р.Хўжаниязов ушбу ҳужжатни ноқонуний равишда эгаллаб олгани маълум бўлди.

Фақат бугина эмас. Р.Хўжа-

Улугбек КАРИМОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Гурлан туман бўлими бошлиғи

аниязов 2013 йилда фуқаро М.Аскаровани ҳам чув туширди экан. "Арзон нарҳда шולי бераман ёки пулингизни қайтараман" деган сўзларга ишонган аёл унга 15 минг 150 АҚШ долларини қандай бериб юргангани билмай қолди. Хўжаниязов ушбу пулдан фақат 3 минг АҚШ долларини қайтариб берди, холос.

Уддабурон Раимбойнинг навбатдаги ўлжаси Мадрим Отаниязов бўлди. Аввалига ундан икки тонна шולי бераман

дея, сув насоси ва шпагат иплари олди. Кейин эса "Арзон нарҳда юз тонна шולי бераман" дея 80 млн. сўм пуллари кўлга киритди. Орадан икки-уч йил ўтиб ҳам пуллари қайтармади. Ҳар сафар қарз берганлар ўз ҳақларини сўраб келишса, Хўжаниязов "Бу йил шולי яхши бўлмади" дея баҳона қилар, кейинги йили албатта тўлиқ қайтаришни айтиб, тавалло қиларди. Унинг ёлгонларига ортиқ тоқат қила олмаган фуқаролар ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органларга мурожаат қилиб, ёрдам сўрашди.

Тергов жараёнида жабланувчиларнинг пуллари тўлиқ ундириб берилди. Жазо муқаррарлиги таъминланиб, суд ҳукми билан Р.Хўжаниязовга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Хуфёна иқтисоднинг шаклланиш механизmlарини аниқлаш, яширин ва назорат қилинмайдиган даромад олиш мақсадида ноқонуний фаолият кўрсатиб, истеъмол учун яроқсиз маҳсулотларни ишлаб чикариш ва муомалага киритиш билан шугулланиб келаётган шахслар фаолиятини аниқлаш ва унга чек қўйиш СВОЖЖДЛҚК департаменти органларининг асосий вазифаларидан саналади.

Ошкор бўлган «Оқ чой»

Дилшодбек МИРЗАЕВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Андижон вилоят бошқармаси бўлим катта инспектори

Мазкур йўналишда фуқароларимиз орасида кенг тушунтириш ва тарғибот тадбирларини ўтказиш орқали жиноят учун жазо муқаррарлиги тушунчасини шакллантириш, алкоғолли маҳсулотлар савдоси билан ноқонуний равишда шугулланишнинг оқибатлари хусусида профилактик тадбирларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина департаментнинг Андижон вилоят бошқармаси томонидан жорий йилнинг ўтган даврида бу борада юздан ортиқ тарғибот ва ташвиқот ишлари амалга оширилиб, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланилди.

Бироқ, фаолият давомида назорат қилинмайдиган даромад олишни хоҳловчи шахслар ҳам борлиги аниқланмоқда. Хусусан, фуқаро Абдулхай Тошматов (исм-фамилиялар ўзгартрилган) қонун доирасида белгиланган тартибда ижтимоий фойдали меҳнат билан шугулланиш ўрнига ноқонуний фаолиятга кўчурди.

Таъкидлаш жоизки, А.Тошматов муқаддам судланиб, тайинланган жазолардан амнистия қарорига асосан озод қилинган бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чикармаган экан. Яъни у, алкоғолли маҳсулотлар савдоси билан белгиланган тартибда руҳсат берувчи гувоҳномага эга бўлмасдан, шугулланиб келган.

Бу шахс шу йилнинг январь ойида харидорига 10 донга «Оқ чой» номли спиртли ичимликни 100 минг сўмга сотиб, ноқонуний муомалага киритган вақтида департамент ходимлари томонидан ушланди.

Тадбир давомида А.Тошматов ўзининг ноқонуний фаолиятига таниши Хайриддин Толиповни ҳам жалб қилгани маълум бўлди. У Х.Толипов билан ўзаро жинойи тил бириктириб, Андижон тумани Гулистон килшогидида яшаш хонадонидида инсон ҳаётига хавф солувчи алкоғолли маҳсулотларни келгусида сотиш мақсадида сақлаб келаётгани аниқланди. Хонадондан 50,6 млн. сўмлик 90 турдаги алкоғолли маҳсулотлар ашёвий далил тариқасида олиб қўйилди.

Экспертиза хулосасига кўра, олинган маҳсулотлар инсон ҳаёти ва соғлиги хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслиги маълум бўлди.

Мазкур ҳолат бўйича А.Тошматов ва унинг шериги Х.Толиповга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукми билан тегишли жазо тайинланди.

Пул савдосининг ғавғоси

Аксарият инсон ҳаётда ўзига тўқ, тўқис яшашни хоҳлайди. Бу йўлда эса ҳар кимнинг ўз таноови, ўз мақсади бор. Асосийси, одам яхши яшаш учун инсонийлики, қонунарни унутмас бас.

Замон ўзгариб, инсониятга кўплаб тўхфалар, яъни қўлайликларни инъом этмоқда. Бироқ айрим тоифадаги инсонлар бундан ҳам осон йўллар билан тирикчилик қилишни истайдилар. Афсусланарлиси, кўнгилни хира қиладиган ноқонуний ишларнинг аксарияти ана шу тез бойиб кетиш ортидан содир бўлаяпти. Жумладан, Жондор туманида туғилган Шокир Идрисов (исм-фамилиялар ўзгартрилган) ва Акбар Хурсанов биз айтаятган кимсалар хилидан экан. Икковлон ишсиз юрган кунларининг бирида ўзаро жинойи тил бириктиришади. Мақсадлари бир-бирларига маъқул келиб, чет эл валютаси олди-сотдиси билан шугулланишга қарор қилишади. Аслида улар республикамиздаги тегишли қонун ва ҳужжатларга кўра, чет эл валютаси фақатгина ваколатли банклар орқали тегишли тартибда

айирбашланишини, қилаётган ишлари жиноят эканини жуда яхши билишарди.

Улар дастлабки жинойи фаолиятларини бошлашлари учун ўзларида сақлаб келаётган АҚШ долларларини ўртага ташлашади. Бир-икки марта амалга оширилган савдодан мўмайгина даромад қолгандан сўнг, икковлон "ишни" кенгайтиришни мақсад қилиб, кўпроқ пул сотиб оладиган мижоз қидирадилар. Кунларнинг бирида Ш.Идрисовга бир таниши 6 минг АҚШ доллари кераклигини айтиб кўнғироқ қилди.

— Узингга бўлса, топиб бераман, — дейди Ш.Идрисов.

— Узимга эмас-у, ишончли одам, зарур бўлиб қолибди, айтган нарҳинда олар экан, — дейди таниши.

— Олти минг "кўкат" 40 млн. 800 минг сўм бўлади, — дейди Шокир.

Сохта тадбиркор

Асрор ЭЛМУРОВОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Самарқанд туман бўлими бошлиғи

Бугун мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, улар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибор натижасида сифатида маҳсулотлар, хизматлар энг муҳими, янги иш ўринлари яратилишига эришилмоқда. Бироқ, айрим "тадбиркор"ларнинг номақбул ҳаракатлари аса ишбилармонларнинг ҳуқуқларини поймол этмоқда.

Хусусан, СВОЖЖДЛҚК департаментининг Самарқанд туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда Фарида Бахриддинованинг қонунга хилоф равишда тадбиркорлик билан шугулланиб келаётгани аниқланди.

Унинг Кўқон шахрида фаолият олиб бораётган кир ювиш кўкунларини ишлаб чикарувчи қорхонанинг манфаатларига зид равишда иш юритгани маълум бўлди. У уйда яширин цех ташкил этган ҳолда ушбу қорхона манзили ва номи кўрсатилган "Мечта" ва "TIDU" номли пакетларда кир ювиш кўкунларини ноқонуний ишлаб чикариб, сотиб келади.

Тадбир давомида мазкур цехдан пакетларга қадокланган жами 6406 кг 15 млн. 374 минг сўмлик кир ювиш воситалари ҳамда 48 кг полиэтилен пакетлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Суд тадбиркорлик манфаатларига зид иш олиб борган Фарида Бахриддиновага нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Бугун мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритиши учун барча имтиёз ва имкониятлар яратилган. Улардан фақатгина ташаббускорлик ва қонуний фаолият юритиш талаб этилади. Қонунадан четланишни ихтиёр қилганларнинг эса, қоқилиши тайин.

Адашгани кеч англади

Дилшод ОБЛОҚУЛОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Ангрэн шаҳар бўлими бошлиғи

Ангрэн шахридаги "Қурилиш монтаж" масъулияти чекланган жамиятининг раҳбари Жамол Исломов (исм-фамилияси ўзгартрилган) фаолият йўлдан юритишни афзал билди. У бошчилик қилаётган МЧЖ 2015 йилдан фаолият олиб бораётганига қарамай, у ерда қонунни четлаш ҳоллари юз бера бошлади.

2015 йил давомида МЧЖга 3 млрд. 638 млн. 771 минг сўмлик қурилиш моллари кирим қилинади. Ж.Исломов ушбу маҳсулотларни турли шахсларга нақд пулга сотиб юборадю, тушган пул маблағларини назорат касса машиналарига кирим қилишни истамайди. Бониси, у ушбу маҳсулотларнинг реализацияси бўйича солиқ тўлашни хоҳламайди. Текширишларда Ж.Исломов давлат бюджетига 181 млн. 938 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлагани маълум бўлди.

Раҳбарлик даврини ваколат деб билган Ж.Исломов адашганини кеч англади. Йўл қўйган қилмишининг жиноят эканини тушуниб, чин дилдан пушаймон бўлди. Суд унинг қилмишига яраша жазо тайинлаб, ҳукм чикарди.



Дейлик, дўстингиз ёки танишингиз сиздан қарзга пул сўраб келди. Пулингиз бор, нима қиласиз? Албатта, бу пайтда қўлингиздан келганча ёраам қиласиз. Аммо яна шундай бир тоифа кишилар ҳам борки, бундайлар қарз бериб, ортиндан фойла кўришни режалаштиради. Бу тоифадагилар ҳақ тилида суҳур дейилса-да, унинг хизматларидан фойдаланувчилар топилмади.

Қарз ортидаги можаро

Илёс МУХАММЕДОВ,

Юнусобод туман прокурорининг ёрданчиси

Бунга Баҳодир Хурсандов (исм-фамилиялар ўзгартирилган)ни мисол қилиб келтириш мумкин. Пул бериб "фойда" кўришни кўзлаган Б.Хурсандов таниши Ахатбек Шокировга зарур бўлиб турганилиги учун унга 2 минг АҚШ долларини ҳеч бир келишувсиз — қарзга бериб юборди. Ахатбек бу пулга тадбиркорлик қилишни режалаштирган эди. Бироқ иши юришмай, пулни танишига вақтида қайтаролмади. Вазиятни тушунтиришга уринганда эса тамоман бошқа манзарага дуч келди.

— Менинг пулим фоиз туғайди, — дея гапни қисқа қилди Баҳодир.

Ахатбек бунга келишмаганлиги учун ҳеч нима демай кетди. Орадан бир оз вақт ўтиб, Баҳодир уч-тўрт танишлари билан Ахатбекни Юнусобод туманидаги бир хонадонга бошлаб борди.

— Олган пулинг фоизи билан 2800 АҚШ доллари бўлди. Агар шу пуллар келмаса, бошқа йўлга ўтман, — деди Баҳодир кўрс оҳангда.

— Ака, пулингизни қилиб берман, ўрни бор. Бундай қилманг илтимос, — Ахатбек шундай дея ортига қайтди.

Орадан кўп ўтмай Баҳодир Ахатбекнинг Қибрайдаги уйига бориб, унинг онасига учради. Қарз бўйича бўлиб ўтган воқеани айтиб берди, ўгли қарзини тўлашлигини талаб қилди. Ноилоҳ қолган она айтилган қийматга тенг миқдордаги тилла-тақинчоқларни Баҳодирга пулни қайтаргунча "залог" сифатида бериб юборди.

Ўглининг оғир ҳолатдалигини англаган она қарз кўтариб, фоизи билан 3800 АҚШ долларини Баҳодирга етказди. Аммо Баҳодир дўк-пўписаларини қолдирмади, ўглининг қарзи ҳали борлигини, қайтариши лозим бўлган тилла-зиракларни бермай, турли ҳақорат сўзларни ёғдирди.

Оғир ҳолатда қолган Ахатбек ва унинг онаси бўлиб ўтган воқеа юзасидан ИИБ-га ариза билан мурожаат қилишди. Олиб берилган тезкор тергов ҳаракатлари натижасида Баҳодир Хурсандовнинг қилмишлари фош этилди. Тергов жараёнида эса, ундан бошқа фуқаролар ҳам азият чекканлиги маълум бўлди.

Аниқланишича, у Ахатбек Шокировдан ташқари фуқаро Тальят Давроновдан ҳам шу сингари "фойда" кўрган экан.

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди томонидан Баҳодир Хурсандовга 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида қарар чиқарилди.

Тажрибасиз, ҳаёт аччиқ-чучуғи, паст-баландлини кўрмай вояга етган йигит-қиз ҳар қанча бир-бирига талпиниб, севишиб турмуш қуришмасин, рўзгор машаққатлари олади довлариб қолади. Натижада, аксар ёшлар бир-бирини айблашга, бир-биридан нуқсон қилиришга тушади. Вақт ўтиб, уларни бирлаштирган ишқ-муҳаббатдан асар ҳам қолмай, унинг ўрнини адовату нафрат эгаллайди. Демак, оила қуриш учун фақат ошқ-маъшуқликнинг ўзигина етарли эмас. Оила қураётган ҳар икки шахс ҳам маънан, ҳам ақлан тайёр бўлиши керак.

Гарчи, оила меҳр-муҳаббат жозибаси билан барпо этилса-да, чинакам фидойилик, садоқат, аиниқса, муроса-ю мадора билан мустаҳкамланади.

Наргиза (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ва Бахтиёр ҳам муҳаббат аталмиш тотли нўматдан бенаҳис қолмадилар. Бироқ орадан йиллар ўтгани сайин улар қалбидаги муҳаббат олови сўниб борди. Алал-оқибат, икки нафар гулдек дилбандларини мўлтираб ажрашиб кетишди.

Наргиза аввалига ота уйида яшаб, уй юмушлари билан ўзини овутиди. Аммо бора-бора кўпроқ пул топиб, алоҳида уй сотиб олиш, алоҳида оила қуриш кўтқуси оромини ўғирлади. Шу боис, икки фарзандини онасига ташлаб, Россия Федерациясига ишлагани кетди.

У ҳали ёш, боз устига, кўркамгина эди. Шу боис, Россияга борганига кўп бўлмай "ошиқлари" кўпна бошлади. Тўғри, уларнинг ҳеч бири уни турмуш ўртоғи сифатида қабул қилишни ўйламас, шунчаки кўнгилхушлик учун ширин ёлгонларга кўмарди. Бироқ Наргиза бу ёлгонларга ишонди. Кўп ўтмай ҳомиладор бўлиб қолди.

У 2015 йилнинг ёзида Андижонга қайтганида ой-куни яқинлашиб қолган. Шу боис, ота-онаси ва яқинларига кўринишдан уялди ва аммаси Раҳимадан ёрдан сўради:



Бугун шиддат билан ривожланиб бораётган замона ахборотнинг холис-гина ташқари, унинг ҳаққонийлигини билиш ҳам ўта муҳим. Нафақат билиш, балки англаш қолаверса, биринчи навбатда, кўнглимизда ҳаловатни таъминлаш учун оғоҳ яшамоқ зарурдир.

Судланувчи Наби Маҳмудов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2008 йили аммасининг ўғлига эргашиб Россия Федерациясига ишлаш учун борганиди. Бир муддат турли жойларда ишлаб юрди. Бу орада ҳамкасбларидан Шавкат исмли кимса унга гўёки диний таълимни ўргатади. Орадан икки йил ўтиб эса, киргизистонлик Ҳамза, Икром, Бакит, андижонлик Зоҳид исмли шахслар ҳам ишлаш ниятида ишчилар сафига қўшилди. Аммо улар ишладан ҳам кўпроқ, Н.Маҳмудовни экстремизмга даъват қилишди.

2010 йилнинг август ойида Гусарская баллада қишлоғидаги уйлардан бирида тўпланишган гуруҳ Н. Маҳмудовнинг қўлига аллақандай китоблар тутқазилди. Китобларда диний экстремистик оқимларнинг гоёлари, мақсади, режалари ёзилган эди...

Шу тариха Н.Маҳмудов диний экстремистик ташкилот иштирокчисига айланди. Бундан ташқари, у интернет тармоғининг "Odnoklassniki.ru" сайтида профиль очиб, бу орқали бир неча

Чақалоқфуруш

Сардор КАРИМОВ,
Хонобод шаҳар
прокуратураси терговчиси



— Аммажон, Россияда бир йигит билан яхши кўришиб қолдик... Шу... ҳозир ҳомиладорман... Аммо бу ахволда уйга боролмайман, болани бир нима қилмасак бўлмайди...

Раҳима аввалига жиянини обдон койиди. Бироқ бўлар иш бўлганини, уни шу тарада маҳаллага олиб борса, бутун оиласи ҳамда уруғ-аймоғи иснодга қолишини ўйлади-ю, ноилоҳликдан Наргизани Жалақудук туманидаги таниши — акушер-гинеколог Зайнаб Умарованинг ёнига бошлаб борди. Вазиятни тушунтирди.

Бу З.Умарова учун аини муддао эди. У 2015 йилда ҳам чақалоқ савдоси билан шуғуллангани учун судланган, жиний жавобгарликка тортилганди. "Бўқирни гўр тузатади", деганларидек, бу жазодан ўзига хулоса чиқариб олманган чоғи, яна кўнглига қингирлик оралади. Бир дам ўйланиб турган бўлди-ю, хурсандчилигини сездирмаслик учун ясама жиддийлик билан сўз қотди:

— Бу осон иш эмас... Биласиз, бу ерда ҳам мингта одам бор... Худо кўрсатмасин, мабодо биронтаси сезиб қолса...

Унинг бу гапидан илтимоси рад этиляпти, деб ҳаёл қилган Наргиза ёлворганига тушди:

— Опа, ҳозир бола сақлаб оламан, деб навбатда турган оилалар кўп. Шулардан бирортасига бериб юбора қолайлик. Албатта, "хизмат ҳақи"ни ўзингиз гаплаласиз, мен аралашмайман. Шу боладан қутилсам, шармисор бўлмасам бўлгани...


Гумроҳлар

Зиёдулло ЮЛДАШЕВ,
Наманган вилояти
прокуратураси бўлим бошлиғи

исмли шахслар ишга қақришганди. Анвар Сиддиков шу кимсаларнинг даъвати билан экстремистик гоёларга берилди. Н.Қаландаров гўё ўзини уларга гамхўр кўрсатиб, аслида ўйлан қора ниятларини амалга оширишни мўлжаллар, шу боис турли ваъзалар ўқиб, диний экстремистик оқимларнинг бузғунчи гоёларини онгига сингдириб, сафларини кенгайтириш кераклиги ҳақида бот-бот ўқитарди. А.Сиддиков орадан бир йилча вақт ўтгач, уйига қайтди ва қилмишлари ошкор бўлди.

Огоҳликни йўқотиб, ўз юртлари тинчлигига раҳна солмоқчи бўлганлардан яна Фиёс Ақромов ҳамда Асқар Фаниевдир. Улар ҳам қилмишларимиздан ҳеч ким хабар топмайди, деб қаттиқ янглишган эдилар. Эндиликда эса, бу шахслар ишларидан пухаймон эканликларини билдириб, суддан енгил жазо беришини сўрашди.

Суд юқоридан тилга олинган шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда жазо тайинлади.



Эндигина йигирма олти ёшни қоралаётган Умид икки марта судланадиган улгурган. Ҳамма хато қилади, ҳаммаям алашади. Аммо бу йигитнинг қайта-қайта судланишига нима сабаб? Балки ўрганган кўнгли ўртанса қўймас, деганлари шудир. Белини оғритмай нон еишига ўрганганиги, машаққатсиз ҳаёт, ўзгалар ҳисобига кун кечирини унга одат. Наҳотки, икки марта судланиб ҳам ҳаётнинг қадрига етмаган, қилган қилмишлари қанчалар нотўғри эканини тушулмаган бўлса?!

— Кечирасиз, телефонингиздан фойдалансам майлими? Бир дақиқага...

«Олғирлар»нинг сўнгги манзили

Асомиддин САЙПИДИНОВ,
Самарқанд шаҳар
прокурорининг
ўринбосари

Уларнинг танишуви шундан бошланди. Умид қурилишда оддий ишчи, Рисолат эса ўша қурилишда бўёқчи бўлиб ишлайди. Улар тезда чиқишиб кетишди. Яқиндан танишиб, кунда-кунора гаплашиб турадиган бўлишди. Ёзининг сўнгги кунларида Рисолат жиянларининг ўқишга ҳужжат топширгани, лекин киролмаганини айтиб қолди. Бу гап Умидни жонлантirdи. Неча йилдан бери фарибгарлиги иш бериб, неча кишини ишонтиргани яна қўл келди.

— Сиз кўп сикилманг. Менинг бир акам бор. У ҳар йили кўпчиликни ўқишга киритади. Истасангиз, шу кишига айтмайсиз, жиянларингизнинг ўқишини гаплашиб бераар, — деди Умид ҳаёлига келган фикрдан қувониб.

— Ёрдам берамикан? Бир гаплашиб кўринг. Агар иложи бўлса, мен опамга айтаман, — деди Рисолат.

Умид шу ернинг ўзиде таниши Шўхратга кўнғироқ қилиб:

— Ака, бир танишимнинг жиянлари ўқишга киролмади. Шўхратнинг ўқишини ҳал қилиб беролмайсизми? Балки "супер контракт" қилиб бўлар, — деди ўзини ақли тугиб.

Аслида Шўхрат Умиднинг жинийи шериги. Улар ҳар сафар келишилганидек иш қилишди. Шўхрат:

— Иложини қилса бўлади. Фақат бу телефонда гаплашадиган гап эмас. Бирор жойда гаплашиб олишимиз керак, — деди худди ростдан ҳал қила оладигандек.

Рисолат буни эшитиб, "оёғини қўлига олиб" опасиникига югурди.

— Опа, мен Гўзал ва Сардорни ўқишга киритадиган таниш топдим. Гаплашдим ҳам, — деди шоша-пиша.

Саодат унинг гапларига тушунмади.

— Ким? Нима ҳақида гапирапсан? Шошмасдан тушунтиричи, — деди.

Рисолат бор гапни айтиб бергач, бироз ўйлаиб қолишди. Кейин Рисолат Умидга кўнғироқ қилиб, қаерда учрашишларини сўради. Улар бир кафедра учрашишди. Шўхрат ўзини таништириб, тест маркадаги танишлари борлигини айтди. Унинг гапларини эшитган одамнинг ишонмасдан иложи йўқ эди.

Шўхрат асл мақсадга ўтди:

— Иккала фарзандингизни ҳам "суперконтракт" қилиб бераман. Фақат харажати бор.

— Гапларингиз ишончли бўлса, биз харажатидан қочмаймиз, — деди Саодат. — Қанча бўлади?

— 6000 АҚШ доллари.

— Унда биз дадаси билан гаплашиб кўрайлик, жавобимизни кейин айтмайсиз.

Ўша пайт Саодатнинг турмуш ўртоғи Уйғун Россияга ишлашга кетганди. Саодат эри билан телефон орқали гаплашиб, фарзандларининг ўқишга киришида ёрдам берувчи одам тоганини ва бу харажатли эканини айтди. Уйғун қаршилиқ билдирмади. Агар ишончли одамлар бўлса, пул бериши мумкинлигини айтди. Саодат Шўхрат ва Умид билан учрашиб, уларга айтилган пулни ва фарзандларининг "ДТМ"ларини берди. Шўхрат янада ишонарли бўлиши учун паспортни нусхасини ва телефон рақамини берди. Аммо абитуриентлар ўқишга киришолмади. Шўхрат билан Умид эса турли баҳоналар ахтаришдан нарига ўтишмади. Кейинги йил имтиҳон вақти ҳам етиб келди. Шўхрат Саодат билан гаплашиб, яна 200 АҚШ доллари берса, шу йилги имтиҳонда ўқишга киритиб беришини айтди. Саодат умидини узмаганди, шу боис яна ишонди ва пулни берди.

— Агар қўлингиздан келса, Маъруф исмли жияним бор, ҳарбий хизматга боришига ёрдам берсангиз, — деди.

Шўхрат бу сафар ҳам сир бой бермади.

— Албатта, ёрдам бераман. Ҳарбий қисмларда ишлаётган танишларим бор. Шуларга айтаман. Жиянингиз 200 АҚШ доллари билан келсин, ишларини ҳал қилиб бераман.

Саодатнинг кўнгли ёришди. Шўхрат унга энг яхши инсондек кўринади. Аммо Саодат уларни бошқа кўрмади. Ахтариб ҳам тополмади. Иккала фарибгарнинг ҳам телефони ўчирилганди. Охир-оқибат алданганини тушуниб етган Саодат бўлган воқеа юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга шикоят қилди.

Фарибгарликни ўзига касб қилган бу кимсалар соддадил фуқаролардан қочишни эплашди, аммо қонун ҳимоячиларидан қочиб қутулиша олмади.

Суд ҳукмига биноан Умид Бобоёров 5 йил 2 ой муддатга, Шўхрат Исмоилов эса 8 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Шундан ташқари судланувчилар ҳисобидан давлат фойдасига солидар тартибда жабранувчилар томонидан берилган пуллар ундириладиган бўлди.

Жаҳлга эрк бериб...

Опа-сингил, аҳли аёл ҳар қандай оиланинг шаъни, ғурури. Эрак кишининг бошини гоз кўтариб юриши, давраларда ғурурланиб ўтириши уйдаги аёлниги шарму ҳаёси, ахлоқ-одоли билан аслима.

Бобир РАХИМОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

Шоғулум Шамсиев (исм-фамилиялар ўзгартирилди) Россиянинг Томск шаҳрига ишлаб пул топиш, рўзгорини бут қилиб, фарзандларининг орзу-хавасини рўёбга чиқариш учун кетган эди. Тўсатдан отаси Шоназар Шамсиев телефон қилиб хотини Вазира ҳақида кишлоқда гап тарқалганини айтиши унинг ориятига ўт қўйиб юборгандек бўлди. "Йўқ, бу масалани шундай қўлдириб бўлмайди." Отаси айтган Собир Каримовни ҳам, Шодмон деганларини ҳам яхши танийди. Қолаверса, бир кишлоқнинг одами Собирнинг бироз қариндошлик жойи ҳам бор. Шоғулум Шамсиев юрагида адоват учқунини билан Ўзбекистонга қайтди. Бу ёлгон гап уйиши, фарзандлари тарбиясини бир чеккага суриб қўйиб, фақат майда гаплар ордидан қолмайдиган кишлоқнинг бир-иккита гийбатчи аёлларидан чиққани аниқланди.

Шоғулум турмуш ўртоғининг шаънини оёқости қилганларни Гиждувон туман ички ишлар бўлимига ёзиб берди. Суд ушбу ҳолатга қонуний баҳо берди. Аммо Ш.Шамсиевнинг юраги бир томондан қаҳр, бир томондан асосиз рашк алангасида чўғдай ёнар, қасос олиш фикри миясини тарқ этмасди. У қўлига пичоқни олганда ҳам Собирни ўлдириш нияти йўқ эди. Аммо уни ақли эмас, жаҳли бошқара-

ётгани ваҳоҳатида яққол сезилиб турарди.

— Собирни кўрмадингизми? — унга рўбарў келган кишидан сўраб-суриштираётган Шоғулумга кишлоқдошларнинг унинг дала томон кетганини айтишди. "Ярашиб олишса керак. Бўлмагур гапларни деб аразлашиб юриш яхшимас", деб ўйлашди. Бирок...

Бутун кишлоққа ёйилиб кетган "гап" сабаб Собир билан Фариданинг муносабатлари ҳам таранглашган. Эрхотин дала йўли ёқалаб келишяпти. Бирдан олдиларидан чиқиб қолган Шоғулумни кўрган Фариданинг юраги қинидан чиқиб кетаёзди.

— Хотинингни уйга юбор. Сен билан яккама-якка гаплашмоқчиман.

— Мен ҳеч қаёққа кетмайман, — деди турмуш ўртоғини қолдириб кетишни истамаётган Фарид.

— Ўтган гапги сўхбатимизни эсласанг керак! Ёки унутдингми?! Мен барибир

тилингни кесиб оламан. Чикар тилингни?! — Шоғулум Собирга ташланди. Ҳимояга ўтган Собир қўлида пичоқ бўлган Шоғулумга бас кела олмади. Жаҳлини жиловлан олмаган Шоғулумнинг бир неча жойига пичоқ санчишга улгурди.

Бир йигит ҳаётдан кўз юмди. Унинг ортида фарзандлари, яқинлари чирқираб қолди.

Бунга сабабчи бўлган яна бир оила сарбони 18 йиллик панжара орти ҳаётига маҳкум этилди. Унинг ҳам оиласи, фарзандлари, яқинлари изтиробда.

Вақтни ортга қайтариш имкони йўқ. Аммо кимгадир яхшилик қилиш учун шошилинг. Қўшинингиз уйдаги хотингадир, маҳалладаги тинчлик учун Сиз ва биз ҳам масъулмиз!



Пуч ваъда

Даврон Муқаррамов анчадан бери ишлаб топган пулларини йиғиб юрган эди. Пулини АҚШ долларига айлантириб қўймоқчи бўлди. Банка ишлайдиган таниши Венера Гатинага учрашиб, маслаҳат сўради: — Олти миллионга яқин пулим бор. Шунини долларга айлантирмоқчи эдим, қандай қилсам бўлади? Банкдан ололаманми?


Иқбол ҚАМБАРОВ,
Жиззах вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

— Сизга маслаҳатим, банкдан олинг. Истасангиз Тошкентдаги бош офисимизда танишларим бор, улар орқали олиб бераман.

— Доллар халқаро тўлов картасига ташлаб берилмайдими? — дея Даврон аёлга саволомуз юзланди.

— Йўқ, сизга нақд 2 минг доллар олиб бераман? — дея Венера қатъият билан гапирди.

Узоқ сўхбатдан сўнг Даврон рози бўлди. Бир неча кундан кейин 5 ярим млн. сўмини машинасига солиб Венеранинг ёнига келди.



Пулни кўрган аёл "Кетдик, Тошкентга бора-миз" деди. Йўлда Венера кимга қанча доллар олиб бергани, қандай олиб бергани ҳақида оғиз кўпиртириб мактаниб келди. Даврон эса унга борган сари ишона бошлади.

Улар пойтахтга келишди. Венера бош офисга кириб, ярим соатда қайтиб чиқди. "Пулни бировга беришимиз керак экан" — деди. Сўнг улар шаҳардаги кўпқаватли уйлардан бирининг ёнида тўхташди.

— Пулни узининг, — деди аёл.

— Опа, танишларингиз алдамайдими, қўйиб қолмайманми? Балки ишонч қоғози дегандай ишлар қилармиз.

— Оббо, қанақа эраксиз, хавотир олманг, улар алдашмайди. Биринчи марта бу ишни қилаётганим йўқ-ку, ахир.

Иккиланган йигит пулни узатиб юборди. "Кутиб туринг!". Венера шундай деб пулни олиб, қайсидир хонадонга кириб кетди.

— Уч кундан сўнг ҳал бўларкан, — деди қайтиб чиққач. — Ўзимнинг минг долларим ҳам бор. Униям олиб кетаман.

Уч кун эмас, уч ой ўтди. Пулдан дарак бўлмади. Давроннинг Венеранинг олдига келиб кетишлари, кўнғироқлари бесамар кетди. Аёлниги "Эрта-индин ҳал бўлади, кутинг" дейишлари тугамади.

Ниҳоят, Даврон алданганини англаб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза ёзди.

Ҳолат юзасидан суд Венера Гатинани айбдор деб топди, у маълум муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум этилди ва энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдорда жаримага тортилди. Шунингдек, ундан Даврон Муқаррамов фойдасига етказилган зарар ундириладиган бўлди.

Тадбиркорга ҳам эътибор, ҳам молиявий кўмак



AGROBANK
Халқ фаровонлиги
фаолиятимиз мезони

Маълумки, дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган бизнинг тараққиёт йўлимиз, яъни, "Ўзбек модели" мамлакат иқтисодиётини боқичма-боқич ривожланишида, ўзининг юксак самараларини бермоқда. Мустақил тараққиётимизнинг ўтган қисқа даврида юртимизда амалга оширилган улкан иқтисодий ислохотлар баробарида қишлоқ хўжалигини тубдан диверсификация қилиш ва ўз навбатида аҳолининг турмуш фаровонлигининг ошишига эришилди.

Дарҳақиқат, улкан кўламдаги бунёдкорликлар, амалга оширилаётган ва каби савий ҳаракатлар барча жабҳаларда кузатишмоқда ва албатта, қўлга киритилаётган ютуқларимизнинг бош омил бўлаётди. Биргина молия муассасалари томонидан олиб борилаётган амалий ишларга эътибор қаратадиган бўлсак, соҳадаги устувор ислохотлар янада теранлашади.

Бу борада "Агробанк" АТБнинг Навоий вилояти бошқармаси ва филиаллари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам фикримиз тасдиғидир. Яъни, банк бошқармаси ва филиаллари мижозларга тезкор ва замонавий банк хизматларини кўрсатиш, ишбилармон-тадбиркору фермер-деҳқонларнинг истик-



болли бизнес лойиҳаларини молиялаштириш борасида яқиндан кўмак бериб келаётди. Жумладан, "Агробанк" АТБ Навоий вилоят бошқармаси томонидан жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига турли тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 99 миллиард сўм миқдорда кредит маблағи йўналтирилди.

Банк томонидан тадбиркор-ишбилармонларнинг бизнес лойиҳаларини ҳаётга тадбиқ этиш учун ажратилган кредит маблағлари ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошмоқда ва жойларда янги ишчи ўринлари яратилмоқда.

— Мамлакатимиз ҳудудларида автомобилларга газ тўлдиргич компрессор станциясининг қурилиши транспорт хизматини тақомиллаштириш, ёқилғи, нефть маҳсулотларини тежаш ва экологик вазиятни яхшилаш имкониятини бермоқда, — дейди "Дилшод Ҳамроев" хусусий корхонаси раҳбари Дилшод Ҳамраев. — Бу энергия ресурсларини тежайдиган технологияларни жадал жорий этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишнинг муҳим қисmidир. Мен ҳам автомобил-

ларга пропан газ қуйиш ва маҳсулот сотиб олиш учун "Агробанк"нинг Хатирчи филиалидан 100 миллион сўм миқдорда кредит олдим. Ўз олдимга қўйган аниқ мақсадим ва режаларим асосида олдинга дадил одимламоқдаман. Банкнинг кредит маблағи туфайли ўз сармомга эга бўлдим, ўз бизнесимни йўлга қўйдим. Натижада маҳалладошларимизнинг бандлигини таъминлаш учун 6 та янги иш ўрни ҳам яратдим. Келгусида ҳам Агробанк билан доимий ҳамкорликда иш олиб бораман.

— Тадбиркор бўлиб бир ишнинг этагидан тўтдингизми, албатта, уни ҳаётга самарали жорий этишни ўйларкансиз. Дастлаб иш фаолиятини бошлаганимда ана шундай кечинмалар ҳаёлимдан ўтганди. Ишни тўғри ташкиллаштириш олганлигим бугунги кунда улкан ютуқларни қўлга киритишимга сабаб бўлмоқда, — дейди яқка тартибдаги тадбиркор Абдусаид Норбоев. — Истиклол шарофати билан юртимизда бўлаётган кенг кўламдаги бунёдкорлик ишларни қўриб, қалбимиз фахр ифтихорга тўлади. Биргина ўзимизнинг туманда олиб борилаётган кенг кўламда-

ги ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари бунга мисол бўла олади. Янги қад ростлаётган бир-бирдан салобатли зоманавий бино иншоотлар ҳудудимиз кўркіга-кўрк бўлиб қўшилмоқда. Бу эса аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига, яшаш шароитининг янги боқичга кўтарилишига туртки бўлмоқда. Ана шундай улкан ишларни қўриб, биз тадбиркорлар янада гайрат билан ишламоқдамиз. Аҳолининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш борасида мамлакатимизда тизимли ишлар йўлга қўйилган. Мен ҳам шундай мақсадда "Агробанк"нинг Навбахор филиалига бизнес лойиҳам билан мурожаат этдим. Банк томонидан иссиқхона ташкил қилиш ва аҳолига сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш борасидаги лойиҳамга асосан 390 миллион сўм миқдорда кредит маблағи ажратилди. Мазкур молиявий кўмак туфайли ҳам ишимни янада кенгайтирдим ҳамда 5 та янги иш ўрни яратдим.


Мухтасар қилиб айтганда, "Агробанк" АТБнинг Навоий вилояти бошқармаси ва филиаллари томонидан мижозларга кўрсатилаётган кенг турдаги хизматлари сифатли ва тезкор ташкил этилишига эътибор қаратилмоқда. Бу албатта, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш қолаверса, юртимиз иқтисодиётини тараққиёт этиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Хайрулла ХОЛТУРАЕВ,

Банк мазбуот хизмати ходими

Хизматлар лицензияланган

Халқаро ҳаёт



Тож Маҳал таъмирланади

Қурилиши бўйича мўъжизалардан бири ҳисобланган Тож Маҳалнинг оқ тусини тиклаш ва юзасини тозалаш мақсадида унга 3 йил мобайнида ишлов бериш ишлари олиб борилади. Бунақа қадимги ҳинд гўзаллик тасвирларига мувофиқ, оқ гилдан қориштирилган махсус ниқоб суриб чиқилади. Бу ҳақда "The Times of India" газетаси Ҳиндистон Археология хизматида таянган ҳолда хабар бермоқда.

Ҳиндистон Археология хизмати ўтказган тадқиқотларга кўра, сўнгги вақтларда Тож Маҳал ташқи юзасининг ранги ўзгаришига чанг ва қурумлар сабаб бўлган. Едгорликка зиён етказмасдан уни тозалашда эса "Мўлтон митти" косметик ниқобидан фойдаланиш зарурлиги таъкидланмоқда. Бундан хинд аёллари минг йиллардан бери тана ва юз терисини оқартиришда фойдаланиб келишади.

Таъкидлаш жоизки, оқ мрамрдан барпо этилган Тож Маҳал қимматбаҳо тошлар билан безатилган, Бобурийлар сулоласи томонидан барпо этилган тарихий ёдгорликлардан биридир. Уни Шоҳ Жаҳон 1653 йилда суюкли рафиқаси Мумтозмахалга атаб қурдирган. Ушбу мақбарани қуришга 27 йил сарфланган. 1983 йилда ЮНЕСКО Тож Маҳални бутунжаҳон маданий мероси қаторига киритган.

Чақалоқларга ҳукуматдан совғалар

2017 йилдан бошлаб Шотландияда туғилмаган ҳар бир чақалоққа улар туғилгандан кейин керак бўлаётган буюмлар солинган қути ҳукумат томонидан совға қилинади. Бу ҳақда "Independent" нашри хабар бермоқда.

Хабарда айтилишича, фарзандини дунёга келтирган аёлларга ушбу совғалар кейинги йилнинг январдан бошлаб берилади.

Таъкидланишича, бундай совғаларни тақдим этиш Финляндия тажрибасидан олинган бўлиб, ушбу акция мамлакатда болалар ўлимини дунёдаги энг паст кўрсаткичларга олиб келган экан. Финляндияда бундай қутилар 80 йилдан буён барча ҳомилдор аёлларга бериб келинади. Қутида чақалоқларга мўлжалланган болалар кийимидан бошлаб таглиқларгача 80 дан ортиқ буюм бўлади.


Кабутарлар жосусликда гумон қилинди

Ҳиндистон полицияси Кашмирда 150дан ортиқ кабутарни Покистон разведкасига ишлаганда гумон қилиб қўлга олган. Бу ҳақда "Khaleej Times" нашри хабар тарқатди.

Шубҳали юк машинаси чегара яқинида тўхташилган. Унда халқа тақилган ва пушти рангларга бўялган қушлар солинган қутилар топилган. Ҳозирда Ҳиндистон ҳуқуқ тартибот органлари бу қушларнинг Покистон чегараси орқали жосусликда фойдаланилиши бўйича гумонни текширмоқда.

Қушлар жуда ёмон шароитларда сақланган. Текширувлар якунида улар озодликка қўйиб юборилиши мумкин.

Гумон



Эгилувчи смартфон

Интернет тармоқларида ҳам ясси, ҳам эгилган экранда ишловчи янги интерфейсли "MIUI 8" смартфонининг видеоси чоп этилди.

Авалпроқ "Samsung"нинг эгилувчи смартфонлар яратётгани ҳақида хабарлар тарқатилган эди.

Эндликда бундай гаджетни "Xiaomi" компанияси яратётгани маълум бўлди. Компаниянинг бу борадаги ишлари "Gadget View" телеканалли орқали намойиш қилинган.

Роликда эгилувчан экраннинг ясси ва эгилган ҳолатда ишлаши намойиш қилинган. Ундан кўринишича, экрандаги тасвир сифати жуда юқори, бундай сифат аввал тақдим қилинган эгилувчан смартфонларда бўлмаган.

Компания томонидан эгилувчан смартфоннинг кўрсаткичлари маълум қилинмаган.

Мутахассисларнинг фикрича, бундай смартфонлар дўконларда 3-5 йилдан кейин пайдо бўлар экан.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг бўлим бошлиғи Азимжон Абдуллаевага акаси **Маматқобил АБДУЛЛАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Бухоро вилоят бошқармаси жамоаси департаментининг Бухоро шаҳар бўлими бошлиғи ўринбосари Дилмурод Собировга волидаи муҳтарамаси **Ҳалима ФОЗИЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Жиззах вилоят прокуратураси жамоаси Фориш туман прокурори Шўхрат Баҳодировга падари бузруквори

Турсунхўжа БАҲОДИРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қутлуғ ёшингиз муборак бўлсин!

Инсонийлиги ҳамда шарафли меҳнат йўли билан жамиятимизда намуна бўла олган инсонлар ораимизда талайгина. Бундай инсонлардан биз устоз деб, фахрланамиз.



Бугун табарруқ 70 ёшни қаршилаган Хуссейн Сабиоров мамлакатимизда тинчлик, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдек масъулиятли ва шарафли вазифага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган олийжаноб инсондир. У киши қайси лавозимда ишлашадан қатъи назар, ҳамиша билимдон ва тажрибали ҳуқуқшунос, самимий инсон сифатида жамоатчилик орасида катта ҳурмат қозонган.

Хуссейн Сабиоров Самарқанд шаҳар прокуратурасида терговчи, Самарқанд шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, Самарқанд вилоят прокуратураси прокурор-криминалисти, Самарқанд вилояти Темирийўл туман прокурори, Нуробод туман прокурори, Боғишамол туман прокурори, Самарқанд вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, Наманган вилоят прокурори, Китоб туман прокурори, Самарқанд вилоят прокуратурасида бўлим бошлиғи лавозимларида самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашиб шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Айни вақтда Х.Сабиоров прокуратура органларида ишлаётган ёш мутахассисларнинг касб маҳоратини ва малакасини ошириш, уларнинг ўз ишини мукамал ўрганиб, етуқ мутахассис сифатида шаклланишига, юклатилган вазифаларни виждонан адо этишга эришишида ўзининг тажриба ва ўғитларини аямай, учрашувларда мунтазам қатнашиб туради. У доимо ёш ходимларга прокурорлик касбининг сир-асрорларини тўла-тўқис ўрганиш учун кишида ўзига яраша қобилият ва сабр-матонат бўлиши кераклигини, прокурор ўз вазифасини фидокорона адо этиши учун виждонан ҳалол бўлиши, ҳаётда учрайдиган машаққатлардан қўрқмаслиги, говларни мардондор ёнгиб ўтиши лозимлигини таъкидлайди.

Хуссейн Сабиоровнинг садоқат ва матонат билан қилган меҳнатлари ҳуқуқимиз ва прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси" унвони ҳамда II даражали "Шон-шараф ордени билан тақдирланган.

Ҳурматли Хуссейн Мавлонович, сизни табарруқ 70 ёшингиз билан самимий муборакбод этамиз! Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга тинчлик хотиржамлик ҳамда файзу-бароқа тилаймиз.



Меҳнатсеварлик, самимийлик ва касбга садоқат каби фазилатлар инсонни доимо ёруғ манзиллар сари етаклайди. Ана шундай фазилатлари билан эл-юрт меҳрини қозонган прокуратура холими Флора Мухаметдинова бугун қутлуғ 70 ёшни қаршиламоқда.

Ф.Мухаметдинова Тошкент шаҳар Яшнабод (аввалги Ҳамза) туман прокуратурасида иш ўрганувчи, прокурор ёрдамчиси, Тошкент шаҳар прокуратурасида бўлим прокурори, Олмазор (собиқ С.Раҳимов) туманида прокурор ёрдамчиси, Республика Бош прокуратурасида бошқарма прокурори лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди. У 33 йилдан зиёд умрини мамлакатда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш ҳамда ҳуқуқий амалий тажрибасини ёш ходимларни тарбиялашга бахшида этиб, жамоатчилик эътиборига сазовор бўлди.

Флора Мухаметдинова қайси лавозимда ишлашадан қатъи назар, ҳамиша билимдон ва тажрибали ҳуқуқшунос, самимий инсон сифатида жамоатчилик орасида катта ҳурмат қозониб, ишлаш даврида жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этди.

У кишининг кўп йиллик меҳнати Республика прокуратураси раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча мартаба рағбатлантирилган.

Ҳурматли Флора Султановна! Сизга оилавий тинчлик-товуқлик, мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, хонадонингизга файзу-бароқа, фарзандларингиз роҳатини кўриб юришингизга тилақдошимиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

Жамиятда тинчлик ва осойишталикка эришиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва қонун устуворлигини таъминлаш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки ҳар бир фуқаронинг инсонийлик бурчидир. Огоҳлик эса муҳим аҳамиятга эга.



Дахлдорлик туйғуси

Собир ҚУРБОНОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Бухоро вилоят прокуратураси мажлислар залида бўлиб ўтган тадбир ҳам ушбу мавзунини қамраб олди.

Тадбир давомида бугунги кунда қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашда огоҳлик, ҳар бир фуқаронинг фаол иштироки ҳақидаги маърузалар тинланди.

Хуссейн, Ромитан туманида судир этилган жиноят шу ҳудуддаги Хавлогарон кишлоғида яшовчи фуқаро Тўймурод Қобилоннинг ёрдами

билан тезда очилишига эришилди. Туман марказида жойлашган деҳқон бозори ёнида турган автомобилдан пул маблағини ўғирлаб, жиноят жойидан яширинишга уринган икки нафар шахс тўғрисида Тўймурод Қобилон берган тезкор хабари натижасида жиноят содир этиб келган ушбу шахслар қўлга олинди.

Тўймурод Қобилоннинг ҳушёрлиги ва атрофда рўй берётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан бепарқ бўлмаганли-

ги, қолаверса жамият олдидаги бурчини ҳис этганлиги натижаси ўларок, жиноят устида қўлган олинган гуруҳ томонидан вилоятнинг бошқа туманларида ҳам содир этилган 6 та ўғирлик жиноятлари фош этилди.

Тадбирда Тўймурод Қобилон вилоят прокуратурасининг ташаккурномаси билан тақдирланди.

Реклама (эълон)

Qishloq Qurilish Bank

АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» аҳолига миллий валютадаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

«Юқори даромад» – омонатга маблағлар 8 ой муддатга қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фоизлар капитализация қилинади ва омонат муддати тугагач тўлаб берилади.

«Омад» – омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фоизлар омонатчининг хоҳишига кўра олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Мурожаат учун:

(+998 71) 150-72-58, 150-39-93
www.qqb.uz

Қишлоқ қурилиш банк – фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Hakimboy HALIMOV
Gulnoza RAHIMOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

Faks: 233-10-53,

233-64-85

E-mail:
huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farglanishi mumkin. «HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatish shart. □ – tijorat materialii. Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etiladi.
Korzona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Buyurtma s-7277. 38 257 nusxada bosildi. Oq'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi. Navbatchi muharrir: M.DUSIYAROVA Sahifalovchi: S.BABA JANOV Navbatchi: O'.DEHQONOV Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

9 772010 761004